Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2013-yil 22-avgust, payshanba ✱ № 35 (839) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

А.Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

ИЖОДГА УНДАЁТГАН УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Шу муносабат билан бу ерга депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат ва маданият намояндалари, шоир ва ёзувчилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси А.Нуриддинов, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси раиси И.Латипов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун улкан имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида Ватанимиз эришган юксак марралар, асрларга татигулик ютуқларда ижод аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Зеро, ижодкорлар бугунги маънавий-маърифий ислоҳотларда ҳамюртларимиз қалбига етиб борувчи, уларнинг тафаккурини юксалтирувчи, ижтимоий фаоллигини оширувчи юксак бадиий-ғоявий асарлари билан фаол иштирок этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий республика кўрик-танловини юксак савияда ўтказиш белгиланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Бадиий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган танлов «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этди. Ижодий танловдан кўзланган асосий мақсад "Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб даъват истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш, ўтган йиллар мобайнида эришилган улкан марраларнинг мазмун-моҳиятини адабий, тасвирий санъат, фотография, кино асарлари, оммавий ахборот воситалари орқали кенгроқ очиб беришдан иборатдир.

Танловнинг мамлакат босқичига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 321 нафар ижодкордан истиқлолимизнинг қадр-қиммати, бугунги тинч ва осуда ҳаётимиз, барча жабҳаларда эришаётган улкан ютуқларимизнинг аҳамияти ёрқин ва таъсирчан бадиий воситалар, ҳаётий мисоллар ёрдамида очиб берилган 3200 га яқин ижодий иш тушди. Ҳайъат қарорига асосан 26 нафар иштирокчининг иши энг яхши деб топилди.

— Аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, биздек бахтиёр авлодга насиб этган мустақиллик, унинг бебаҳо неъматлари, улкан имкониятлари ижод аҳли учун бебаҳо илҳом манбайидир, — дейди "Маърифат" газетаси мухбири Н.Мамбетирзаева. — Президентимиз раҳнамолигида халқимиз эришган барча ютуқлар замиридаги асосий омилларнинг мазмун-моҳиятини кенг очиб бериш, аҳамиятини барчага атрофлича тушунтириш — ижод аҳлининг асосий вазифаси. Бу каби танловлар ана шундай эзгу мақсад йўлида ижодкорлар меҳнатини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

Мукофотланганлар мамлакатимизда ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, самарали меҳнат қилиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида кўрсатаётган юксак эътибори учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдирдилар.

Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

⇨ 3-бет

УСТЮРТ ДОСТОНИ



⇨ 7-бет

«КАТТА ҲАЁТДАГИ СЕНИНГ СУЯНЧИНГ»

⇨ 8-бет

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган

"Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ғолиблари

1.Ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари бўйича

1-ўрин:
Хосият Бобомуродова (Самарқанд вилояти) — «Ватан десам» шеърий тўплами учун

2-ўрин:
Сағиндиқ Ниетуллаев (Қорақалпоғистон Республикаси) — «Мустақиллик ҳақида достон» китоби учун

3-ўрин:
Жамила Эргашева, (Сурхондарё вилояти) — «Қир устидаги аёл» романи учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Наби Жалолиддин** (Андижон вилояти) — «Мустақиллик» ҳикояси учун
2. **Искандар Раҳмон** — «Ўзбекистон посбонларимиз» шеърий тўплами учун

2. Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари бўйича

1-ўрин:
Несибали Мамбетирзаева, "Маърифат" газетаси мухбири — Ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга қаратилган "Тузингни тотиб улғайдим, Ватан!" туркум мақолалари учун

2-ўрин:
Абубакир Ўрозов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Маҳаллий ахборот таҳририяти бош муҳаррири — Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараларига бағишланган таҳлилий материаллари учун

4 ⇨

ЖИЗЗАХ: ЖАННАТИЙ ГЎШАЛАРДА

Бу боғлардан бахтнинг бўйи келади,
Оралагинг келар кета кетгунча.
Эрк деган бир тахтнинг куйи келади,
Яшагинг келади умр етгунча.

Офтобнинг тафти кункундан оташланиб, еру осмон ўртасида бир фараҳбахш кунлар бошланиб, ёмғирлардан ҳар лаҳза майсаю гулларнинг кўзи ёшланиб,ширин орзулардан кўнгиллар қуёшланиб, турган дамларда Жиззах вилоятига йўлимиз тушди.

Бағрида не-не буюкларни, алломаларни етиштириб, Ҳамид Олимжон каби оташнафас шоирларининг қалбига сурур, қўлига қалам берган, азизу авлиёлар маскан айлаган бу юртга шунчаки қадам босиб бўлмайди.

Кўчалари кун сайин тозариб, гулга беланиб, баланд ва кўркам иморатлар юксалиб, қишлоқларида шаҳарчалар вужудга келаётгани кўзни қувонтиради. Баҳор бошланиши билан пешвоз чиқишга улгурган турфа гулларнинг адоларидан юраклар энтикиб кетади.

2 ⇨

МУСТАҚИЛЛИК — ҳуқуқ ва имкониятлар

Сайловчилар билан учрашувларда, хизмат вазифасини бажариш юзасидан юртимизнинг чекка ҳудудларида бўлганимизда ҳар сафар янги ўзгаришлар, оламшумул бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўламиз. Шундай вақт бўладики, кундан-кунга чирой очиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини кўриб беихтиёр босиб ўтилган йиллар кўз ўнгимда намоён бўлади.

Авлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ифтихори билан "Ким эдигу ким бўлдик" деган сўзларини дилдан такрорлаймиз. Қувонарлиси, сўнгги йигирма икки йиллик ҳаётимиз — бахту, саодатга тўлиқ йиллар бўлди. Халқимизга энг олий бахтни, ўтаётган ҳар кунидан шукроналик ҳиссини туйиб яшаш саодатини Мустақиллик берди. Бу буюк неъмат эртамизнинг бугунимиздан яхшироқ бўлишига ҳам кенг йўл очди.

Ўтган йигирма икки йиллик тараққиёт йўли ҳақиқатан ҳам биз дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимизни амалда кўрсатди. Шундай пайтда ҳар биримиз мустақиллик аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва ғуруруни англаши, юртимизда ўтган даврда турли синов ҳамда қийинчиликларга қарамасдан, ҳар соҳада узоқни кўзлаб кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилгани, юртимизнинг порлоқ келажагини таъминлашда бунинг аҳамияти ҳақидаҳар дам, ҳар он мушоҳада юритишимиз зарур.

Дарҳақиқат, халқимиз эртасини, манфаатини кўзлаб, танланган тўғри йўл мамлакатимизнинг тарихан қисқа давр ичида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, таъбир жоиз бўлса, ўз сўзини топишига асос яратди. Бугун юртимиз нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, кўплаб мамлакатлар Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида эътироф этмоқда.

Энг улуғ, энг азиз байрам арафасида мамлакатимизда эришилган ютуқлар қаторида таълим соҳасини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор берилганини таъкидлаш ўринлидир.

3 ⇨

ЖИЗЗАХ: ЖАННАТИЙ ГЎШАЛАРДА

(Боошланиши 1-ветда.)

БИР КЕЛИБ КЕТИНГ ГУЛЗОРИМИЗГА

Катта трасса ёқасида жойлашган кўркам ҳовлининг дарвозаси, йўлкалари, йўл четлари ранг-баранг гул ниҳолларига тўла минг-минглаб гул

косаларга тўлиб кетган. Оқ, сариқ, нафармон, пушти, қизил гуллар бири-биридан ўтиб, нигоҳингиздан тутиб ўзига имлайди. Баланд-паст, барги қалин, сийрак, хуш бўйларидан бош айланадиган арчаларнинг ўнлаб хили сизнинг боғингизга бориб қўнмоққа шай турибди. Дарвозадан кириб 13 сотихлик томорқанинг ҳар бир қаричида кулиб турган гуллар ва гул кўчатларига дуч келасиз.

Жиззах тумани, Ҳамзаобод фуқаролар йиғини, Олмачи қишлоғидаги "Флора гуллари" МЧЖ раҳбари Шарофат(уни Жиззахликлар Муқаддас дейишар экан) Нориева кириб келганида биз ҳайратлар оғушида эдик. Кеч тушиб қолган эди. Муқаддас ўрта бўйли, кўзлари кулиб турган жувон экан. Тошкентнинг кўплаб кўчаларига, ҳовлиларга гуллар ва манзарали дарахтлар етказиб бериш билан бандлигини айтди.

Муқаддаснинг касби тиббиёт ҳамшираси бўлиб, бир неча йиллар шифохонада ишлапти. Отаси Эргаш бобо пайвандчи, 73 ёшда. Айтишларича, онаси Шаҳрихон ая раҳматли ҳам гулларни жону дилидан севар, дунёга келтирган саккиз нафар фарзандлари каби гулларнинг янги навларини экиб ўстиришдан чарчамас экан. Қишлоғининг қайси бир гўшасида бир гул тупига кўзи тушса, уни кўпайтирмаса, кўнгли жойига тушмасди. Бир парча ер топиб экишга ҳаракат қиларди, деб эслашди суҳбатдошларим онахон ҳақида.

Ота-онасининг ерга, гулга меҳри Муқаддаснинг қонига ўтган эканми, ҳадеб гулзорлар яратгиси келарди. Иссиқхона қуришга имконият йўқ. Бир куни отасига илтимос қилди:

— Ота, битта уйимизнинг томини очайлик, ичига гул кўчатлари экиб кўпайтираман.

Отаси қизининг иштиёқ билан ёниб турган кўзларига боқиб, йўқ дея олмади. Ахир битта томни ёпишнинг ўзи бўладими, меҳмонларни қаерда кутамиз, демади.

— Майли, қизим, деб оқ фотиҳа берди.

Ўша мавсумнинг ўзида Муқаддас етиштирган гул кўчатларидан келган даромад битта бошпанани тиклашга етди. Гулчи қизнинг довруғи узоқларга кетди. Жиззах туман ҳокимлиги унга беш гектар ер ажратиб берди.

Муқаддас олтмиш миллион сўм кредит олиб, 7 ойда қарзини тўлаб бўлди. Айни кунларда унинг ҳисоб рақамида беш юз миллион сўмдан кўп маблағ айланмоқда. Қишлоқда илгари ёпилиб кетган қудуқларни топиб, 35 миллион сўм сарфлаб икки жойдан сув чиқарди. Бу сувдан ҳам қишлоқ аҳолиси, ҳам ўзи фойдаланади. Яқинда туман ҳокимлиги Муқаддаснинг аризасини инобатга олиб, яна 24 гектар ер ажратиб берди.

Ҳозир хўжалик майдонларида питуния, бегония, салвия, вербиния, атиргул, наргиз каби 50 хил гул, олманинг 10 хил нави, 20 турдаги манзарали дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Жорий йилнинг ўзида 1 миллионта гул кўчати, 100 минг туп атиргул кўчати, 20 минг туп дарахт кўчатлари сотилди.

У ёнига қирқ қизни қўшиб олди. Уларга гулчилик сирларини эринмай ўргатди. Турмуш ўртоғи Холмурод, ака-укалари, сингиллари оилалари билан Муқаддаснинг ёнига қўшилди. Ҳамма уч маҳал бир қозондан овқат ейди, улар учун бир кунда икки, уч тандир нон ёпилади(бир йилда саккиз тонна ун кетади). Бройлер товуқларининг сони мингга етди, юзлаб хонаки товуқлари бор. Беш-олтита сигир соғилади. Сабзавотлар ўзларидан чиқади. Эрта тонгда ҳамма бир жойга йиғилиб, нонушта қилади. Ишлар тақсимланади, ҳеч ким ишдан бўйин товламайди, ҳамма виждонан меҳнат қилади.

— Қизларимнинг баъзилари бир кунда 10 минг косачага гул эка олади, — дейди фахр билан Муқаддас. Бирови ашула айтса, бирови шеъриятни, бирови рақсни севади. Байрамларда ҳар бирининг уйига товуқ гўшти, бир-икки флейкадан тухум берамиз. Қўлимиздан келгунча мукофотлаймиз.

— Яна қандай режаларни кўзлаб турибсизлар?

— Бир парча ерга интизор бўлган кунларим кўз ўнгимда турибди. Яқинда 24 гектар ер олдик. Эскирган боғ эди. Дарахтларни парваришлаяпмиз. Қуриганларининг ўрнига янгисини экдик, пайванд қилдик. Шу пайтгача олган даромадларимиз 5 гектар ер ҳисобидан эди. Эндиги орзуларимиз катта. Ўғлим қишлоқдан 30 та курка сотиб олибди. Уларга тухум бостириб, сонини мингтага етказмоқчи. Далада ишчиларимиз учун намунали шийпон қурмоқчимиз. Шийпон учун ҳокимият 4 сотих ер ажратиб берди. 6 сотих ерда чорва, товуқхона қиламиз. Ўғлим Зоҳиджон бир сўм топса, жўжа сотиб олиб, ўзи парваришлайди, кечалари шамол, ёмғир бўлса, туриб хабар олади. Товуқ боқиш фикри шундан чиққан.

— Ўғлингиз неча ёшда?

— Ўн учда...

Муқаддас Жиззахнинг диққатга сазовор ҳамма жойларига бориб, гулзор қилиб беради. Самарқанд, Бухоро, Тошкентга ҳам уни таклиф қилишади. У яратган гулзорлар ниҳоятда ранг-баранг, гўзалликда тенги йўқ. Ўсимликлардан айиқ ва унинг боласи, қушлар ва бошқа жониворлар шаклларини яратади.

Айтганча, Муқаддаснинг тадбиркорлик қирралари кенг, Олмачида тикувчилик цехи барпо этиб, ўндан зиёд аёлларни, қизларни иш билан таъминлади. Гулзорлари ёнида лимонзор яратмоқчи. Газдан, электрдан фойдаланмай иссиқ сақланадиган иссиқхоналар яратмоқчи. Қиш фаслида ҳам дарахтлар орасига исмалоқ экиб етиштирганига нима дейсиз?

Муқаддасхон ўз оила аъзолари билан келишиб ҳар йили Эргаш бобо авлодининг янги оиласи учун бир уй тиклайди, биргалашиб тўй қилишади. Ҳар кимнинг эҳтиёжига яраша сарф қилишади. Ҳамма чин дилдан, биргалашиб меҳнат қилади. Истиқлолнинг шарофати шу-да. Ёши қирққа етмаган бу аёлнинг қалбида орзулар кўп. У ўзининг беғубор, меҳрга тўла юраги, ерга, гулларга, ватанига, қариндошларига, ҳамюртларига муҳаббати билан бирлик ва тотувлик бахт-саодат келтиришини исботлаб берди. Мамлакатимизни гулларга бурқамоқчи бўлган бу аёлга, 2012 йилда вилоятда ўтказилган "Йил аёли" танлови ғолибасига ишонмай бўладими! Гуллар Муқаддас ҳаётининг мазмуни. Унинг ўтган ҳар бир куни ҳаёт дафтарига гуллар билан битилади.

ТОҒЛАРГА ТУТАШ ОРЗУЛАР

Зомин тумани шифобахш ҳаволари, арчазор тоғлари, меҳнаткаш инсонлари билан ҳамиша нигоҳларни ўзига мафтун айлаган гўшадир. Кенг миқёсдаги қурилишлар, янги стадион, кўркам кўчалар, намунавий лойиҳадаги янги уйлар Зоминнинг чиройини янада очиб юборибди. Одамларининг яшаш тарзию фикрлашлари ҳам шу гўзалликка мос.

Зомин тиббиёт коллежи кенг йўлнинг бошида, арчалару гуллар оғушида савлат тўкиб турибди. Бизни АРМ раҳбари Гулбаҳор Гадоева ўз китобхонлари билан учрашувга таклиф қилди. Уйғоқ фикрли талабалар, китобхонлар қизғин баҳсга чорлади. Вилоят Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари, ёзувчи Туроб Мақсудов билан биргаликдаги суҳбат ва мушоира қизғин тус олди. Гулбаҳорхоннинг ўзи ҳам чинакам адабиёт мухлиси сифатида кўплаб шеърларни ёд биларкан. У бизни АРМ фаолияти билан таништирди:

— Кутубхонамизда дарсликлардан ташқари 6 мингга яқин бадиий китоблар бор. Талабалар билан биргаликда туман аҳолисига ҳам хизмат қиламиз. Жами 500 нафар фаол китобхонларимиз бор. Турли тадбирлар, Навоийхонлик кечалари, Бобур ғазалларининг энг яхши ижрочиси, деворий газеталар танловлари ўтказиб келяпмиз.

Ўқув юртининг битта қаватига жойлашган барча хоналар АРМга тегишли экан. Китоблар тоза, озода сақланадиган махсус хоналардан ташқари, ўқув зали, компьютерлашган ўқиш хонаси ҳам бор. Гулбаҳорой китоблар ҳар бир хонадонга етиб боришини, зоминликларни ўқимишли, маънавияти бой, билимдон бўлишларини истайди. У бошқараётган нурхонадан таралаётган зиё нурлари чароғон ва ўчмасдир.

***

«Ҳайитгул опа» тикувчилик устахонаси қизларининг ишини маза қилиб томоша қилдик. Қизларнинг устози Ҳайитгул Дадаева билан мириқиб суҳбат қурдик:

— Биз оилавий ҳунармандлармиз, турмуш ўртоғим уста. Ўқувчилик пайтимда олий маълумот олишни, ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Турмушга чиқиб, уч ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Қачонки ўзим ҳам қайнона бўлгач, эрим ишлашга рухсат берди. Аввалига якка тадбиркор бўлиб иш бошладим. Уйда қизларга тикувчилик сирларини ўргата бошладим. Онам тикувчи бўлганлар, ҳеч жойда ўқимаган бўлсада, қўшниларнинг кийимларини тикиб берардилар. Эвазига ҳеч нарса олмасдилар.

Ҳеч жойда ўқимаган бўлсам, бичиш-тикиш сирларини қизларга тўғри ўргатаяпманмикин, деб иккиланардим. Ахири Тошкентда очилган махсус курсларда ўқимоқчи бўлдим. Ёнимга қишлоғимиздан саккиз қизни қўшиб олдим. Ота-оналарини қизларингизни эсон-омон олиб келаман, деб ишонтирдим. Ишонасизми, 46 ёшимда талаба бўлдим. Одамзотнинг кўнгли, орзулари сира қаримас экан. Саккиз қиз ва мен ўқиб келдик. Тўғри ўргатар эканман. Қизларим, сиз яхшироқ сабоқ берасиз, улар бир марта кўрсатиб беришади, сиз такрор ўргатишдан эринмайсиз. Бунинг устига бизни яхши кўрасиз, дейишди.

Ўқишдан қайтсам, турмуш ўртоғим Зоминнинг қоқ марказидан устахона учун бино олиб қўйибдилар. Ҳокимликдагилар ҳам бу жойни бошқа харидорларга бермай, менга ишонишибди. Суюниб ишга киришиб кетдим.

Устоз қачон устозман, дейди? Шогирдлари ўзидан ўзиб кетсагина. Кўпчилиги қишлоқларда ўзлари тикишхона очиб, шогирдлар етиштирмоқда. Баъзиларининг қайноналари келиб, раҳмат айтиб кетишади, бошим кўкка етади. Шогирдларимга тикувчи ва пазанда, ширинсўз, сабрли бўлсангизлар сиз борган рўзғорда барака бўлади, деб такрорлашдан эринмайман. Аёлнинг топгани эркакнинг топганига қўшимча бўлади, мададкор бўласиз, дейман. Қайноналар, оналар келишганида, сиз қизларимизга тарбия ҳам берибсиз, дейишади. Қизларимнинг ишларига ҳам, ўзларига ҳам ҳавасмандлар кўп.

Суҳбатимиз сўнгида қизлар билан шеърхонлик қилдик. Орзулари баланд тоғларга туташиб кетган зоминлик дугоналар билан илиқ хайрлашдик:

Чўққилари буюкликдан сабоқ ўтар,
Баҳорлари қучоғида гуллар тутар.
Одамлари тоғларига ўхшаб кетар,
Қўл узатса, юлдузларга қўлинг етар.

ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ

Келажакнинг қандай бўлмоғи ниятга ҳам боғлиқ. Болаларимизни қайси руҳ, қайси ниятда тарбиялаcак, Оллоҳ бизни шу ниятимизга етказади. Жиззах шаҳридаги 22-алоҳида фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидаги ишлар билан танишар эканмиз, кўнглимиздан шундай ўйлар кечди. Айни дамда мактабда 900 нафарга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Бу ерда кимё, биология, математика, физика, инглиз, рус тили фанлари чуқур ўқитилади. Синфхоналар замонавий талаблар даражасида жиҳозланган. Республика, вилоят олимпиадаларида ўқувчилар турли фанлар бўйича ғолибликни қўлга киритмоқдалар.

Кино-фото тўгараги аъзолари шу кунгача 30 дан ошиқ қисқа метражли фильмларни суратга олишди. Ушбу фильмларнинг 18 таси "Сеҳрли ёғду" республика кинофестивалида фахрли ўринларни эгаллади.

БМТ ўтказган "Минг йилликка тараққиёт сари" номли расмлар танловида мактаб ўқувчилари Бобур Қурбонов ва Дилшод Норматовлар ғолиб бўлишди. Мактабнинг математика гуруҳи ўқувчиси Юлдуз Ҳамроқулова "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Мактаб педагогик жамоаси доимо изланишда, турли Халқаро грантлар соҳиби бўлиб келишмоқда. Жумладан, мактаб директори Дилфуза Садриддинова "Халқаро жамоа алоқалари" дастурининг грантини ютиб олди ва АҚШда мактаб бошқаруви бўйича малакасини ошириб қайтди. 18 нафар иқтидорли ўқувчи Буюк Британия, Германия, АҚШда ўқиб келишди.

Жамоа таълимга янгилик бўлиб кириб келаётган инклюзив таълим дастури (жисмоний чекланган ўқувчилар учун) бўйича иш олиб бориб, методик тавсиялар асосида дарс ишланмалари ишлаб чиқдилар. Ўтган йили Дилфузахон "Билимлар камалаги" хусусий корхонасини очиб, 15 нафар хотин-қизни иш билан таъминлади.

Мактабнинг аҳил жамоаси эришаётган ютуқлар жуда кўп, санайверсак тугамайди. Дилфуза Садриддинова 2012 йилда "Йилнинг энг яхши мактаб директори" республика кўрик- танловининг ғолиби бўлди. У раҳбарлик қилаётган мактаб ўқувчиларининг тақдири ишончли қўлларда. Уларга айтар сўзимиз бу:

Устоз отанг каби улуғ бўлади,
Ҳаётинг у билан тўлиқ бўлади.
Сўзларини тингла, эҳтиром айла,
Ўгитин дур каби қалбингга жойла.

***

Ўзбекистон Қаҳрамони Марат Зокиров раҳбарлик қилаётган, Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-лицейни бориб кўришни анчадан буён орзу қилардим.

Бу илм даргоҳининг довруғи узоқларга кетган. Директори Марат ака рафиқаси билан биргаликда ўн фарзандни вояга етказган. Бировлар оилавий тадбиркор бўлгани каби, улар оилавий қаҳрамон. Марат акани ишга ҳам, сўзга ҳам уста дейишади. Ўзларини учратолмасакда(узрли сабабларга кўра), лицейда юксак даражада ташкил қилинган таълим ва тарбиявий ишлар билан танишдик. Ҳамма ёқ ораста, ҳамма ёқ гулу гулхона, дарахтзор.

Бу лицейда таҳсил олаётган ёшлар орасида Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари ҳам бор. Ўнлаб ўқувчилар илм-фан, спорт соҳасида ўз иқтидорларини намойиш этишмоқда. Сайёра Муродова, Дилфуза Ражабова, Гулруҳ Мухторова, Дилфуза Маҳкамова, Маъмура Ёқубова, Юлдуз Зоирова, Бахтижон Исроилова каби оловқалб ёшлар ҳаммага ўрнак.

Лицей талабаларининг иқтидори республикамизда, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида тан олинган. Қишлоқ, шаҳар мактабларида ўқиб, камол топган ўқувчиларимизнинг онги, дунёқараши бу ерда янада кенгаяди, мукаммаллашади. Улар дунёни, дунё уларни танийди.

Бу даргоҳда амалга оширилаётган ишлар ҳақида директор ўринбосари Мукаммал Зокирова яхшигина китоб ёзибдилар. Улардан ошириб, яна нима ҳам дердик. Тилагимиз шулки:

Кетсин доно, комиллигинг овозаси,
Қўл чўзсанг очилсин илм дарвозаси.

Сўрасинлар, қаерда, деб мактаби,
Устозларинг фахр айласин мақтаниб.

Илмнинг жумбоғу сирин қолдирма,
Пушаймонга асло ўрин қолдирма.

Топмасинлар илми сендан бойроғини,
Баланд кўтар Ўзбекистон байроғини!

***

Жиззах давлат педагогика институти талабалари билан учрашувимиз янада қизиқарли бўлди. Мустақил ҳаёт бағрига учирма бўлаётган ёшлар билан учрашув эртанги кунимиз билан, келажак билан учрашувга ўхшарди. Уларнинг интилишлари, билимлари берган саволлари ва мулоҳазаларида акс этарди.

Мушоирамиз анча чўзилиб кетди. Филология факультети йигит-қизлари ўқиган шеърлар бизни ҳам мафтун қилди. Талабалар ижодидан ташкил топган бадиий асарларнинг иккинчи китоби ҳам нашрдан чиқибди. Бўлажак иқтидорли шоирлар, ёзувчилар, мунаққидларнинг нафаси сезилиб турибди бу асарларда. Келажак гуркираб ўсаётган ёшларимиз қўлида экани кўнгилни ўстиради. Юртбошимизнинг ушбу сўзларини яна айтгимиз келади:

Фарзандларимиз — бизнинг келажагимиз. Халқимиз эртасининг қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Учрашув охирида бошимизни силаб турган Ватан ҳақида биргалашиб шеър ўқидик:

Нега учган қушлар қайтади бот-бот,
Қозиғини излаб келар учқур от,
Дунёда бор бўлсин меҳр, оқибат,
Ватан ягонадир, ватан биттадир!

Хайр, кўнглимни осмон қадар юксалтирган Жиззахнинг жаннатий гўшалари, яхши одамлари! Сизларнинг омадларингиздан ҳамиша суюнгувчи, ёмғирларга етган майсадек кўнгли ўсгувчи шоирангиз,

Хосият БОБОМУРОДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсаттан маданият ходими,
«Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолиби

Ахборот-коммуникация технологиялари

Энг муҳими – сифат

Президентимиз раҳнамолигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш, жаҳон ахборот маконига интеграциялашиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалардан бири — кенг полосали оптик-толали алоқа тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни пайтда аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилиб, телекоммуникация тармоғида сиғими 2500 рақамлик электрон АТС мижозларга сифатли хизмат кўрсатаётир. Станцияга Японияда ишлаб чиқарилган замонавий "Neaxe-61" ускуналарининг ўрнатилгани хизмат кўрсатиш сифатини кафолатлайди.

Туманнинг чекка қишлоқлари аҳолиси ҳам бундай имкониятга эга бўлди. "Сарабий", "Қилчиноқ", Навоий ва "Гулдурсин" овул фуқаролар йиғинларида жами 992 рақамлик СГМ тизимидаги автоматлаштирилган телефон станциялари қурилди. Уларга SMS-150 узаткич ускуналари ўрнатилиб, хизматлар оптик-толали тармоқда амалга оширилмоқда.

— Энг муҳими, абонентларга хизмат кўрсатиш сифати жуда яхшиланди, — дейди туман телекоммуникация тармоғи бошлиғи Норхон Адамбоев. — Сарабий овулида қурилган янги АТС қўшни "Дўстлик" ва "Тўртёп" овул фуқаролар йиғинлари ҳудуди аҳолисига ҳам сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини яратди. Мазкур янги технология ишга тушиши билан юртдошларимиз мавжуд хизматларга қўшимча равишда юқори сифатли телефон алоқаси, интернет, видеосўзлашувлар имкониятига ҳам эга бўлди.

Аҳоли юқори сифатли телефон алоқасидан, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув хизматларидан кенг фойдаланаётир. Юқори тезликда ишлайдиган Dslam ускуналари ўрнатилгани алоҳида ажратилган интернет алоқасидан фойдаланувчилар сони ортишига хизмат қилмоқда. 71-умумтаълим мактабида "UzNET" ва "ZiyoNET" тармоқларидан тўла фойдаланиш имконияти яратилди.

Жорий йилда 3,7 километр оптик-толали линия ётқизилиб, агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ҳамда 22-умумтаълим мактабида "Электрон таълим" лойиҳаси ишга туширилди. Ўқувчилар АКТ билан чуқур танишиб, унинг кенг имкониятларидан баҳраманд бўлмоқда.

"Ягона ойна" лойиҳасига кўра ўтган йили Бўстон шаҳрида телекоммуникация хизмати кўрсатадиган шохобча ишга туширилди. Бу ерда аҳоли интернет, шаҳарлараро ва халқаро телефон ҳамда телеграф хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилнинг сўнгги чорагида рақамли телевидение кўрсатувларини узатадиган замонавий станцияни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, туман аҳолисини ҳамда қўшни Беруний ва Тўрткўл туманлари ҳудудининг бир қисмини сифатли телекўрсатувлар билан таъминлаш имконини беради.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎзА мухбири

Таълим ва тарбия

МУСТАҚИЛЛИК — ҳуқуқ ва имкониятлар

(Бошланиши 1-бетда.)



Истиқлолнинг дастлабки йилларидан соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар, жумладан, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилинди. Бу республикамиз таълим тизимида муҳим ижобий юксалишларни бошлаб берди ва халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Масалан, ўтган йилнинг февраль ойида Тошкентда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференцияда дунёнинг 48 давлатидан ташриф буюрган таълим тизими раҳбарлари, олим ва мутахассислар таълим тизимидаги ютуқларимизни эътироф этишди. Бу борада Ўзбекистон тажрибаси андоза сифатида ўрганишга лойиқлигини таъкидлашди.

Тизимда олиб борилаётган ислоҳотлар жамиятимизда юқори илмий салоҳиятга эга шижоатли ёшлар сафи кенгайишига, энг муҳими, мамлакат тараққиётига хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир. Шу сабабли ҳам ўтган йили давлат жами харажатларининг қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди. Унинг 34 фоиздан ортиғи айнан таълим соҳасини молиялаштиришга йўналтирилди.

Маълумки, умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш таъминланди. Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, улар ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун зарур шарт-шароит яратиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада таълим муассасалари ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар зиммасига масъулиятли вазифалар қўйилмоқда.

Конституциямизнинг 40-моддасида ҳар ким малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгалиги кафолатланган. Буни амалда таъминлаш учун мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва аҳоли саломатлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фуқаролар соғлигини таъминлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётгани ҳам фикримизни яққол тасдиқлайди. Барча вилоятларда она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари ташкил этилди, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базаси яхшиланди. Уларнинг фаолиятини замон талаби даражасида ташкил этиш ўз самарасини бераяпти. Қишлоқ жойларда ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан поливитаминлар билан таъминланмоқда. Натижада ўтган 20 йил давомида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими кескин камайди, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди.

Собиқ тузум даврида саломатлик масаласига чуқур эътибор берилмагани ёш, мустақил давлатимизда бу борада жиддий ишлар қилинишини тақозо этди. Амалга оширилган муҳим ишлар самараси ўлароқ халқ саломатлиги, миллий генофонд мустаҳкамланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш эзгу мақсадга айланди, обод ва озод мамлакатимизда эришилган ютуқ ва натижалар халқимизнинг келажакка ишончини мустаҳкамлади.

Дилбар ХОЛИҚОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати

Барча замонларда таълим ва тарбияга чўнг эҳтиёж сезилган. Сабаби ушбу эгизак тушунча инсонни маънан чархлайди, камол топтиради. Айнан таълим ва тарбия жараёни орқали одам ҳаётда улуғвор, жамият учун фойдали, ибратли кашфиётларни амалга оширади. Чунки тўғри тарбияланган ва яхши таълим олган инсон фикран теран, маънан бой, ақлан етуклиги боис ҳам у ўз шахсий манфаатлари ва нафсига устунлик қилади.

Ҳаётий зарурат

Ўз қувваи ҳофизасини жамият равнақи йўлидаги эзгу ишларга сарфлайди. Ҳаётда бундай тоифадаги инсонларнинг кўплигидан эса жамиятга катта наф бўлади. Яъни ақлли, инсофли ва диёнатли одамдан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Шу нуқтаи назардан таълим ва тарбия масаласи жамиятда ҳамиша эътибор талаб устувор соҳа саналади.

Бугунги глобаллашув даврида замон талабига жавоб берадиган юксак маънавиятли, мустақил фуқаролик позициясига эга, билимдон инсонларни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Президентимиз комил инсон концепциясига асос солдилар: "Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз". Маълум бўладики, комил инсон тушунчаси идеал эмас, у реал тушунча.

Комил инсон — етук, баркамол, ўз мустақил ҳаётий позициясига эга, ўз халқи, ўтмиши ҳақидаги ҳақиқатларни биладиган, иймони бутун, хулқ-атвори намунали шахсдир. Шахс эса жамиятга ибрат бўладиган ишларни амалга оширадиган, онги-шуури, ҳақ сўзи, фидойилиги билан ажралиб турадиган обрўэътиборли инсондир. Бундай одамлар ўз оиласи, маҳалласи, шаҳри ёки қишлоғи, ватани ор-номуси, фаровонлиги, обрўси учун қайғурадиган, бутун фикри ва мақсади шунга йўналтирилган бўлади. Халқ бундай одамларни ҳурмат қилади ва бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади.

Комил инсон концепцияси бевосита бизнинг тарихимиз, миллий менталитетимиз ёхуд ўзлигимиз, шунингдек, бугунги тезкор замон талабларига жавоб бера олиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Бу йўналишда олиб борилган омилкор сиёсат ҳамда яратилган пухта қонунчилик механизми асосида ўтган йигирма икки йил мобайнида том маънода ўзини оқлади. Тўғриғоғи, босқичма-босқичлик тамойилига асосланган кадрлар тайёрлашнинг "миллий модели" ўз самарасини бера бошлади. Ўз таркибида ижтимоий миллий тарбия билан бирга сиёсий тарбия, ҳуқуқий тарбия, иқтисодий тарбия, тиббий тарбия ва экологик тарбияларни ўзида мужассам этгани билан дунё жамоатчилигининг ҳам эътиборини тортди.

Дунёда ўхшаши йўқ 9+3, бепул ўн икки йиллик мажбурий таълим тизимининг жорий этилиши, ўқувчи ёшларнинг манфаатларидан келиб чиқиб мамлакатимизда таълимнинг 7 та: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши ёхуд таълим тизимининг давлат бюджети харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортгани кўпчиликнинг эътиборини тортиши табиий. Шу боис 2012 йилнинг 17 февралида Тошкентда кадрлар тайёрлашнинг "ўзбек модели"ни ўрганишга бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан вакиллар қатнашиб, жараён билан бевосита танишиб, ўзларининг холис фикрларини билдиришгани "миллий модел"имизнинг аҳамиятини белгилаши шубҳасиз. Шунингдек, жаҳоннинг турли ОАВда ҳанузгача бу масала бўйича муҳокаманинг давом этаётгани миллий таълим тизимимизнинг дунё томонидан тан олинганидир.

Энг муҳими, кадрлар тайёрлашнинг миллий "ўзбек модели" реал ҳаётга сингишиб улгурди. Келажак авлод вакиллари бўлмиш ёшларимизнинг замонавий, сифатли таълим ва миллий ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган тарбия олиш уларнинг ҳаётда ўз олдига қўйган мақсадларига эришишнинг ягона йўли эканлигини англаб, идрок этаётгани ёхуд эртанги кунга ишончи ортаётганлигидир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мустақил фикрли, эркин дунёвий билимларни эгаллаётган ёшларимиз бугунги кунда мамлакатимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, уни янгилаш ва ишончли тарзда равнақ топтиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиб бормоқда.

Чунончи, таълим тизимида ўтган давр мобайнида юртимизда залворли ишлар амалга оширилди. Умумтаълим мактабларининг 9,5 минги деярли ҳаммаси қайта қурилди. Ёки капитал реконструкция қилинди. Уларнинг барчаси замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланди. Ўқув жараёни сифат ва методик жиҳатдан бутунлай янгиланди. Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга тўлиқ жалб этиш ишлари якунига етказилди.

Алалхусус, юртимизда бугунги кунгача 1549 та ўрта махсус таълим муассасалари, шундан 1406 таси касб-ҳунар коллежлари, 143 академик лицейлари тўлиқ қуриб битказилди. Умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик ўқишдан кейин ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2-3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайди. Айниқса, касб-ҳунар коллежларини битираётган ёшларни иш билан таъминлашнинг давлат назоратига олингани истиқболли масала. Агар жорий йилнинг ўзидаёқ умумтаълим мактабларининг 9-синфини мамлакатимизда 535 минг ўқувчи битириб, уларнинг 499 мингтаси касб-ҳунар коллежларида, 34 минг нафари эса академик лицейларда ўқиши эътиборга олинса, ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг нақадар эътибор талаб масала эканлиги аён бўлади.

Бинобарин, ҳозирги кунда юртимизда 57 та университет ва институт ҳамда уларнинг 11 та филиали мавжуд бўлиб уларда 230 мингдан ортиқ талаба таълим олмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда Вестминстер университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети каби нуфузли халқаро обрў-эътибор ҳамда чуқур тарихий анъанага эга бўлган Европа ва Осиё етакчи олий ўқув юртларининг филаллари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 23 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ёхуд 2013 йил 28 июндаги "Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари айнан таълим тизимининг интеграциялашувини назарда тутади. Мазкур қарорларнинг ҳар бири ўзбек таълим тизимини жаҳон даражасига кўтаришнинг ҳуқуқий асосларини белгилаши билан аҳамиятлидир.

Зеро, миллий таълим тизимимиз ички эҳтиёжлардан келиб чиқиб эмас, балки халқаро стандартлар асосида кадрлар тайёрлаш лозимлигига эътибор қаратмоқда. Бу тўғри ва мантиқий ҳол. Чунки бугун замоннинг ўзи олдимизга шундай талаб қўймоқда. Ва у бизнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилишдек стратегик мақсадимизга тўлиқ мос келади. Шу нуқтаи назардан ҳар учала меъёрий ҳужжатнинг мазмуни ҳам бугунги ўзбекистонлик ёшларни дунё миқёсида рақобатбардош кадрлар бўлиб етишишлари учун ҳуқуқий асос яратади. Умуман олганда, ушбу қарорларнинг аҳамияти мамлакатимизда таълим жараёнидаги истиқболлиликни англатиши шубҳасиз.

Давлатимиз таълим тизими ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга муносиб ҳисса қўша олишга қодир эркин шахсни тарбиялашни мақсад қилган. Эркин шахс эса эркин тафаккур, эркин эътиқод ва эркин фаолиятга эга бўлган шахсдир. Эркин шахсда мулоҳаза қилиш иқтидори шаклланади, у ўз Ватани тақдири ҳақида ўйлайди. У ўз ҳуқуқлари билан бирга давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳам англайди.

Чунончи, фикримизнинг далили сифатида қуйидаги ҳаётий мисолларни келтиришни лозим топдик: «Касбим ўқитувчи, умумтаълим мактабида ишлайман, дейди Тошкентлик Озода опа. — Ўғлим Муроджон ўтган йил тест жараёнида тегишли балл тўплай олмагани учун олий ўқув юртига киролмади. Бу йил эса пухта тайёрлангани боис Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Турин политехника университетларига тўлов контракти асосида бир вақтнинг ўзида ўқишга қабул қилинди. Бироқ у ҳужжатларини Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ҳам топширган. Агар омади чопса, мазкур олий ўқув юртида ўқиш нияти бор».

«Ўзим иккинчи гуруҳ ногиронман, турмуш ўртоғим ҳамшира. Самарқанд вилоятиданмиз. Ўғлимиз Дилшод қишлоқ мактабида ўқиса ҳам ўзи қизиқиб, иштиёқ билан инглиз тилини пухта ўргангани, индивидуал тарзда қўшимча шуғуллангани боис республика олимпиадасида фахрли учинчи ўринни эгаллагани учун Жаҳон тиллари университетига тест синовларисиз қабул қилинди», — дейди хурсандлигидан энтикиб, Абдураҳмон ака исмли танишим.

Ушбу мисолларни таълим тизимининг самараси сифатида келтирдик холос. Аслида бундай мисоллар жуда кўп, улар ҳозирги кунда ҳаётимизда реал воқеликка айланиб улгурган. Аслида таълим тизимидаги ислоҳотларнинг мақсади ҳам айнан шунга қаратилган. Мазкур тизим эса, тинимсиз меҳнат, қувонч ва изтироблар натижасидир. Буни бугунги кунда юритимизда ҳар бир шахс англаб, идрок этса ва ундан амалда фойдалана олса, таълим тизимининг такомиллашувига ҳисса қўшган бўлади.

Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,
ҳуқуқшунос

Тадбиркор бўламан, десанг

Сардор коллежни битказиб, не-не умидлар билан олий ўқув юртига имтиҳон топширди-ю, аммо ўта олмади. Маҳалла-кўйдагиларнинг «Ўқишинг нима бўлди?» деган саволидан безор бўлиб, кўздан нари юришга ҳаракат қилди. Унинг тушкунлигини кўрган отаси «Ҳали ҳаёт олдинда» дея далда берди. У энди нима қилишини ўйлар, аммо ўйининг адоғига етолмасди.

Имтиёзлар орқали келажакка

Аммо бир нарсага ишончи комил: энди ишлаб пул топиши, оилага ёрдам қилиши керак. Лекин нима иш қилади? Қиламан деганга қишлоқда иш кўпку, бироқ самаралироқ, бир машғулот бўлгани яхши-да!. Ўйлаб-ўйлаб чорва молларини боқишга қарор қилди. Бу юмушни бошлаш учун маблағни қаердан топади? Онасининг «коллеж битирувчиларига кредит берармиш», деган гапи қулоғига чалинди-ю, тинчи бузилди. Ўйлаб-ўйлаб, отасига маслаҳат солди. Ота ўғлининг шаҳдини кўриб қўллаб-қувватлади. Отабола туман марказидаги тижорат банкига йўл олишди. У банк ходимларининг маслаҳат, йўл-йўриқларини тинглаб кўнгли хотиржам бўлгач, бутунлай бошқа одамга айланганди. Ҳужжатларни расмийлаштиришда банк ходимлари ҳам ёрдам беришди.

Ўн беш кун деганда бошланишига уч ярим миллион сўмдан зиёдроқ кредит олинди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас тадбиркорлик самара бера бошлади. Энди яна кредит олиб, туёқлар сонини бундан-да кўпайтирса бўлади.

Яқинда республика Миллий матбуот марказида мана шу муҳим масала бўйича республика Марказий банки томонидан «Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Президентимизнинг 2006 йил 27 июлда қабул қилинган «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда 2010 йил 28 июлда имзоланган "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони коллежларда ўқишни тугатиб, мустақил ҳаётга йўлланаётган ёшларни доимий иш билан таъминлашда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани эътироф этилди.

Шу хусусда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилган аҳолини иш билан таъминлаш ҳудудий дастурларида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш учун мамлакат иқтисодиёти тармоқларидаги реал талабларни ҳисобга олган ҳолда лавозим ҳамда касблар рўйхатини тайёрлаб, тасдиқлаш ҳам белгиланган эди.

— Бизнинг марказ ҳам бу борада кўплаб ишларни амалга ошириб келаётир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус таълим бошқармаси бошлиғи Абдухалил Раҳмонов. — Бу йил юртимиз бўйича 500 минг нафардан ортиқ коллеж битирувчилари мустақил ҳаётга йўл олди. Ҳозир уларнинг 98 фоизи уч томонлама шартнома тузган. Шулардан 34 фоизи ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланди. 50 фоизи эса турли олий ўқув юртларига имтиҳон топширишди. 21 мингга яқин битирувчилар эса банкларга кредит олишга ариза берган бўлиб, 4000 нафари тадбиркорликни ихтиёр этди.

— Бугунги кунда "Бошланғич сармоя" микрокредити айнан тадбиркорликни бошлаш ниятида юрган субъектлар учун жуда қулай, — дейди яна бир тадбир иштирокчиси "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг микромолиявий хизматлар кўрсатиш департаменти директори ўринбосари Алишер Суюмов. — Асосан тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун энг кам иш ҳақининг 50 баробаридан 200 баробаригача микрокредитлар бошланғич сармоя сифатида ажратилади. Улардан фойдаланишни истаган янги ташкил этилган субъектлар давлат рўйхатидан ўтгач, 6 ой давомида банкка мурожаат этишлари лозим.

Банк томонидан кичик бизнес субъектларига таклиф этилаётган молиявий хизматларнинг афзал томонларидан бири кредитларнинг имтиёзли фоизларда эканидадир. Бошланғич микрокредит учун йиллик 3 фоиз, корхоналар фаолиятини кенгайтириш учун 6 фоиз миқдорида, микролизинг хизматлари учун эса йиллик 5 фоиз миқдорда белгиланган. Бир мисол: микрокредитнинг энг кам суммасини олган эндигина иш бошлаган якка тартибдаги тадбиркор 1 ойда 9948 сўм фоиз тўловини тўлайди, холос.

Умуман, соҳа субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жорий йилда 6 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, республика Марказий банки «Коллеж битирувчиларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятлари» мавзуида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари, уларга мувофиқ яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари бўйича жойларда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарларни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги олдидан барча ҳудудларда, айниқса, олис ҳамда меҳнат ресурслари бемалол бўлган туманларда банк хизматлари турларини кенгроқ тушунтириш, ҳудудий дастурларга киритилган лойиҳа ташаббускорларига яқиндан амалий ёрдам бериш мақсадида очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда.

Мазкур тадбирлар доирасида жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига тақдим этилган 690 та имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар бўйича жами 66,4 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шундан 419 нафар касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 9,2 миллиард сўмлик бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Ёш тадбиркорларга ажратилган кредитлар асосан зардўзлик, ҳунармандчилик, дурадгорчилик, мебель ишлаб чиқариш, қандолатчилик, тикувчилик, маиший хизмат кўрсатиш, касаначилик, асаларичилик, паррандачилик ҳамда чорвачилик каби фаолият турларига тўғри келмоқда. Кейинги пайтларда бу соҳаларнинг ривожида ёш тадбиркорларнинг ҳам муносиб улушлари борлиги кишини қувонтиради.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriat" мухбири

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган

“Энг улуғ, энг азиз”

республика кўрик-танлови ғолиблари

(Боши 1-бетда.)

3-ўрин:

Собир Дадахўжаев, «Водил ёғдуси» газетаси бош муҳаррири (Фарғона вилояти) — Ватанимизнинг маънавий тикланиши ва юксалиши, ўзлигимизни англаш йўлида олиб борилган ишлар ҳақидаги “Ўзбекистон — олтин бешигим менинг” туркум публицистик мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. **“Ватанпарвар» газетаси таҳририяти,** Бош муҳаррири — **Алижон Сафаров** — Ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги таҳлилий материаллари учун

2. **Муҳаббат Ўрмонбекова,** Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши матбуот хизмати раҳбари — «Инсонга наф келтириш — олий бахт» туркум мақолалари учун

3. Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари бўйича

1-ўрин:

Гулбаҳор Мусаева, Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси бош муҳаррири — Мунаввар йўлдан зафарли манзилгача», «Мен туғилган юрт» туркум кўрсатувлари учун

2-ўрин: Гўзал Муҳамедова, ЎзМТРК «Спорт» телерадиоканали «Машъал» радиоси катта муҳаррири — Бой тарихимиз, бебаҳо мусиқий меросимиз, урф-одат ва анъаналаримиз тарғиботига бағишланган эшиттиришлари учун

3-ўрин:

Ҳадия Абдуллаева, ЎзНТТ «Ҳудуд» информацион таҳлилий дастури мухбири — Истиқлол йилларида мамлакатимиз пойтахти Тошкентда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ҳақидаги таҳлилий материаллари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Гулнара Календерова,** Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси шарҳловчиси — Республикамиз ҳаётидаги долзарб воқеалар тезкор ва таҳлилий ёритилган эшиттиришлари учун

2. **Нодир Муҳамадхонов,** «Водий садоси» радиоканали муҳаррири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланишлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш ва янги ютуқларга рағбатлантиришга қаратилган дастурлари учун

4. Тасвирий санъат, фотоасарлари ва дизайн ишлари бўйича

1-ўрин:

Абдуғани Жумаев, Фотограф — «Бунёдкорлик эпопеяси» туркум фотоасарлари учун

2-ўрин:

Раҳимжон Ризамуҳамедов, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг катта ўқитувчиси, рассом — Мумтоз адабиётимиз намояндалари асарлари асосида яратган рангтасвир ишлари учун

3-ўрин:

Ғайратулла Шукуров, Ўзбекистон Бадиий академияси Ахборот ва маркетинг бошқармаси бошлиғи — Обод турмуш йилига бағишланган фотолавҳалари учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Турғунбой Маҳкамов,** «Наманган ҳақиқати» газетаси фотомухбири — Истиқлол йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фоторепортажлари учун

2. **Шамсиддин Қаландаров,** Урганч давлат университети ўқитувчиси, рассом (Хоразм вилояти) — Ўзбек халқининг бой маданий мероси кенг ёритилган рангтасвир асарлари учун

5. Кино санъати асарлари бўйича

1-ўрин: Эркин Аъзам, драматург — «Паризод» бадиий фильми сценарийси учун

2-ўрин: Сарвар Каримов, Нозим Жумаев, «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёрлари — «Сеҳрли қалпоқча» бадиий фильмидаги муаллифлик ва режиссёрлик ишлари учун

3-ўрин: Жамшид Изомов, бастакор — «Тубанлик» бадиий фильмига ёзган мусиқаси учун

Рағбатлантирувчи мукофот

1. **Шаҳзода Матчонова,** актриса — «Меҳригиё» бадиий фильмида ижро этган роли учун

2. **Дилфуза Турдибоева (Мардонова),** драматург — «Ёшлар ва ҳуқуқий маданият» ҳужжатли фильмидаги муаллифлик иши учун

ИЛҲОМБАХШ РАҒБАТ

Бизнинг интервью

Несебели Мамбетирзаева,
«Маърифат» газетаси мухбири:

Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйи арафасида ўтказилиши анъанага айланган «Энг улуғ, энг азиз» танловига муносиб кўрилганимдан бениҳоя хурсандман. Танловда «Маърифат» ҳамда Қорақолпоғистон Республикаси нашри «Устоз йўли» газеталарида чоп этилган материалларим билан қатнашдим. Мен ушбу мақолаларимда халқимизга хос инсоний фазилатлар, эзгу қадриятлар хусусида сўз юритганман. Камтарона ижодимни юксак даражада эътироф этилгани менинг кейинги ижодий фаолиятимга янада тетик руҳ бағишлайди.

Жамила Эргашева,
Сурхондарё вилояти:

Ушбу муваффақиятдан жуда хурсандман. Ҳаётда кўрганларим, билганларимни ёзганим шунча эътиборга сазовор бўлгани мен учун катта бахт. Барча ижодкорларга, айниқса, ёшларга ижодий парвоз тилайман. Улар биз эришган ютуқлардан ҳам юқорироқ, олийроқ кўрик-танловларда ғолиб чиқиб, катта-катта мувафаққиятларга эришишларига тилакдошман. Ҳамма соғ бўлсин, мустақиллигимиз барча-барчага муборак бўлсин!

Ҳадия Абдуллаева, НТТ телеканали, «Ҳудуд» информацион дастури мухбири:

Мазкур танловда ғолиб бўлиш, менимча, ҳар бир ижодкорнинг орзуси. Айниқса, унинг мамлакатимиз мустақиллиги «Энг улуғ, энг азиз» байрамимиз арафасида ғолибларга топширилишида рамзий маъно бор.

2008 йилдан бери НТТ теликанали таркибидаги Ёшлар студиясида бошловчилик қилиб келаман. 2011 йилдан эътиборан эса информацион дастур мухбири сифатида ўз ижодий намуналаримни тайёрлай бошладим. Ушбу танловга айнан ёшлар ҳаётига оид бўлган материаллар, шунингдек, истиқлол йилларида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида айнан ёшларнинг ўрни ва ролига доир материалларим билан иштирок этдим. Жуда ҳам мамнунманки, ғолиблар сафидан ўрин олдим. Ушбу мукофот менга катта куч бериши билан биргаликда масъулият ҳам юклайди, яъни бизга эътибор бериляптими, мана шу эътиборни оқлашимиз ва ҳақиқатда муносиблар сафида туришга лойиқ эканимизни исботлашимиз керак деб ўйлайман.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ: КЕЧА, БУГУН ВА ЭРТАНГИ КУН

Бугунги кунда телевидение ахборот узатиш бўйича энг оммавий ахборот воситаларидан биридир. Ер юзидаги миллиардлаб одамлар ҳар куни сўнгги воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлиш, ёқтирган кўрсатув ва фильмларидан баҳра олиш учун телевизор томоша қилади.

Тошкент — телевидение ватани

Бугун кундалик ҳаётимизни телевидениесиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада ўзбекистонликлар пойтахтимизнинг телекўрсатувлар ватани эканидан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Дунёдаги илк оқ-қора тасвирли электрон телевидение тизими лойиҳаси ҳам 1925 йилда айнан Тошкент шаҳрида ишлаб чиқилган бўлиб, шу йили дунё миқёсида муҳим аҳамиятга эга ушбу кашфиёт учун патент олинган. 1928 йилда телевизион тажриба қурилмасида ҳаракатланувчи оддий объектлар намойиш этилди. 1956 йилда эса Марказий Осиё минтақасида биринчилардан бўлиб Тошкентда оқ-қора тасвирли телевизион марказ ишга туширилди.

Шундан буён ўтган ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида телевидение сифат жиҳатидан жиддий юксалишга эришди. Тасвир ва товуш тиниқлаштирилган замонавий телевизорларнинг пайдо бўлгани ҳамда телесигналларни узатиш усулларининг такомиллашгани бунга яққол мисол бўла олади.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари, авваламбор, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ривожлантириш истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидан биридир. Сўнгги йилларда кўрилган қатор чора-тадбирлар натижасида телевидение ва радионинг замонавий техник базаси яратилди. Телекўрсатувларни тайёрлаш ва тарқатиш жараёнига замонавий телевизион ускуна ва медиатехнологиялар мунтазам жорий этилмоқда.

Рақамли телевидение — ҳар бир оилада

Одатдаги телевизион кўрсатувлардан янги, янада сифатли даража — рақамли телекўрсатувларни ердан туриб эфирга узатишга ўтилгани телевидение соҳасида улкан ўзгаришларга сабаб бўлди. Рақамли телевидениенинг одатдаги телевидениедан асосий фарқи шундаки, унда тасвир ва товуш ғоят тиниқ, ранглар ёрқин ва ҳар бир детал аниқ акс этади.

Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб рақамли телевидениега ўтган ва республикамизда рақамли телевидениени жорий этиш 2007 йилдан бошланган эди. Тошкент ва Бухорода ердаги рақамли телевидение тажриба зонасининг ташкил этилиши янги турдаги кўрсатувларга босқичма-босқич ўтишни бошлаб берди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 17 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида рақамли телевидениега техник ва технологик ўтишга доир Давлат дастури тўғрисидаги қарори бу борада муҳим дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилаётир. Мазкур ҳужжатда, биринчи навбатда, техник ва технологик тараққиёт инобатга олинган ҳолда, рақамли телевидениени жорий этиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, рақамли телевидениега икки босқичда, яъни 2012-2015 ва 2016-2017 йилларда ўтиш кўзда тутилган.

Шунингдек, қарорда янги турдаги хизматлар, жумладан, интерфаол ва мобиль телевидениени жорий этиш ҳам режалаштирилган. Дастурга мамлакатимизда рақамли телевидение сигналларини қабул қиладиган замонавий қурилмаларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва аҳолини таъминлашга оид бўлимнинг киритилгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Бунда рақамли телевидениенинг умумфойдаланиладиган ижтимоий пакетини тайёрлаш, шакллантириш ва эфирга узатиш ҳамда теле, радиоархив материалларни рақамли форматда таржима қилишнинг техник имкониятларини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Рақамли телевидениенинг ижтимоий пакети — бу оператор ва провайдерлар томонидан истеъмолчилар учун бепул тарқатиладиган ижтимоий аҳамиятга эга телеканаллар пакетидир. Бу эса мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлигининг яна бир тасдиғидир.

Айнан шу боис рақамли телеканалларни ташкил этиш жараёнида рақамли телекўрсатувлар ижтимоий пакетини шакллантириш ва янада бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кўпайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ туну кун эфирга узатиладиган иккита янги рақамли канал — “Маданият ва маърифат” ҳамда “Дунё бўйлаб” телеканали ташкил этилди. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб мамлакатимизда “Ёшлар” телерадиоканали” ёпиқ акциядорлик жамияти ҳузурида болалар учун мўлжалланган дастлабки “Болажон” рақамли телевизион канали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рақамли телевидениега техник ва технологик ўтиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси кўмагида «UZDIGITAL TV» компанияси ташкил этилди ва айни пайтда у мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларга рақамли телевидение хизматларини кўрсатаётган етакчи операторлардан биридир.

Бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар самарасида қисқа вақт ичида рақамли телевидениега ўтиш дастурини ҳаётга татбиқ этишда салмоқли натижаларга эришилди. Ўзбекистонда ердаги рақамли телевидениенинг Европа стандарти қабул қилинди. Сигнални барқарор қабул қилиш ва бошқа қайтадиган сигналларни қабул қилмаслиги унинг асосий афзалликларидан биридир. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудининг 45 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинган бўлиб, Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Қарши, Қўқон, Самарқанд, Навоий, Нукус ва Урганч шаҳарларида рақамли узатиш қурилмалари ўрнатилган. Қатор вилоят ва шаҳарларда жорий йил давомида теледастурларни рақамли форматда эфирга узатиш режалаштирилган. 2017 йил охиригача мамлакатимизнинг барча ҳудуди рақамли телевидениега тўлиқ ўтади.

Юксак сифатли телевидение

2011 йилда Ўзбекистонда янги форматдаги трансляцияга босқичма-босқич ўтишга доир аниқ мақсадли ишларнинг амалга оширилиши натижасида МДҲ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб юксак даражада тиниқ кўрсатадиган ердаги телевидение — HDTV ишга туширилди. Дунёда телевидениени ривожлантиришнинг янги йўналиши ҳисобланган HDTV тасвир ва товуши тиниқ теледастур ва фильмларни томоша қилиш имконини беради. Бугун мамлакатимизда иккита HD канали эфирга узатилмоқда. “UzHD” канали улардан биридир. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган “Ўзбекистон МТРК медиа-маркази” давлат унитар корхонаси юқори даражада тиниқ бўлган телекўрсатувларни эфирга узатиш бўйича асосий ишлаб чиқариш ва технологик марказ ҳисобланади.

Юқори технологияли ускуналар ва махсус телерадиотехникадан самарали фойдаланиш, уларни қўллаган ҳолда медиатехнологиялар асосида кенг турдаги сифатли телерадиомаҳсулотларни яратиш, шунингдек, телевизион муҳандис-техник ҳамда ижодий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университетида махсус муҳандисларни тайёрлайдиган «Телевидение технологиялари» факультети ташкил этилди. Пойтахтимизда Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежининг очилиши соҳа мутахассисларини тайёрлашни такомиллаштиришга хизмат қилаётир.

Замонавий технологиялар инсон хизматида

Замонавий рақамли телевидение фойдаланувчиларга телекўрсатувларни томоша қилиш жараёнини моделлаштириш имконини беради. Юқорида тилга олинган Давлат дастурида янги турдаги хизматларни жорий этиш кўзда тутилган. Масалан, EPG хизматларини тақдим этиш режалаштирилмоқда. Ушбу электрон теледастур ҳар бир каналда айнан қандай кўрсатув ва фильм қачон намойиш этилиши билан танишишга ёрдам беради. Фойдаланувчилар унинг ёрдамида намойиш этиладиган кўрсатув ва фильмлар рўйхатини кўздан кечириши, титр ёзувларини қўшиши ва ўчириши, таржима тилини танлаши, хотирани ўрнатиши ва бошқа кўплаб функцияларни бажариши мумкин. Танланган кўрсатув, фильм ёки футбол ўйинини ўтказиб юбормаслик учун эслатиш функциясини ҳам ўрнатиш мумкин. Бу функция телевизор бошқа каналга ўтказилган бўлса-да, танланган кўрсатув бошланишига бир неча дақиқа қолганда экранда пайдо бўлади. EPG хизматида болалар томоша қилиши мумкин бўлган каналлар рўйхатини тузиш имконини берадиган “ота-она назорати” функцияси ҳам ўрнатилган. Бошқа каналлар ота-она томонидан пароль қўйилиши натижасида томоша қилиш учун берк бўлади.

Ўзининг қадимий ва бой тарихи билан ҳақли равишда фахрланадиган Ўзбекистон телевидение соҳаси давр билан ҳамқадам ривожланиб бормоқда. Зеро, тегишли Давлат дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли яқин вақт ичида Ўзбекистондаги ҳар бир оила юқори сифатли телевидение хизматларидан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлади.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

«Ўзбекистон минтақавий ННТлар ижтимоий аҳамиятли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш грант дастури» доирасида

ГРАНТ ОЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигини нишонлаш муносабати билан ва «Обод турмуш йили» Давлат дастурини ижро этиш доирасида ижтимоий Ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» Фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат жамғармаси ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди —

«ОБОД УЙИМ»

танловининг 2-даврасига лойиҳавий талабномаларни қабул қилиш бошланганлиги тўғрисида эълон қиладилар.

Лойиҳалар кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан **қуйидаги йўналишлар бўйича** қабул қилинади:

✦ қишлоқ жойларининг ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллаларни ободонлаштириш масалаларини ҳал қилиш;

✦ ички йўлларни таъмирлаш, аҳоли яшаш жойларига туташ ҳудудларни санитария қоидаларига мувофиқ тозалаш ва кўкаламзорлаштириш, олис маҳаллалар ва чегарадош ҳудудлар аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишини таъминлаш ва ҳ.к.;

✦ қишлоқ жойларининг экологик шароитини яхшилаш, кичик ижтимоий объектларни (мактаблар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари ва ш.ў.) муқобил энергия манбалари (қуёш батареялари, шамол генераторлари, биогаз қурилмалари ва ш.ў.) билан таъминлашга кўмаклашиш ва ҳ.к.;

✦ амалий ҳунармандчилик, халқ ҳунармандчилиги ва бошқа турдаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш;

✦ касб-ҳунар таълими сифатини яхшилаш, қишлоқ жойларида яшовчи ёшлар ва аёлларнинг молия соҳасидаги саводхонлигини ва бизнес кўникмаларини ошириш;

✦ қишлоқ аҳолиси, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил қилиш ва бандлигини таъминлаш;

✦ муҳтож аҳоли қатламларига, шу жумладан, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, кам таъминланган оилалар учун ижтимоий хизматларни тақдим этиш, шунингдек, иш билан таъминлаш хизматларини кўрсатиш;

✦ атрофдагиларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларга ўз уйларида сифатли ижтимоий хизматларни тақдим этиш;

✦ аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларида аҳоли хабардорлигини ошириш.

Иштирокчиларга қўйиладиган мажбурий талаблар

Талабномани топшириш учун талабгор шахс қуйидаги шартларга ***мувофиқ бўлиши лозим:***

✱ юридик шахс бўлиш;

✱ Ўзбекистон Республикасининг минтақаларидан бирини, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикасини ифодалаш;

✱ лойиҳа қийматидан 50 фоизга тенг миқдорда шериклик (ёки шахсий) ҳиссага эга бўлиш, шу ҳисобда нақд пулсиз шаклда (бинони ижарага олиш, моддий ресурсларни тақдим этиш ва ш.ў.);

✱ лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш учун шериклар билан биргаликда бевосита масъул бўлиш, лекин воситачи сифатида ҳаракат қилмаслик;

✱ танловга тақдим этилган лойиҳани муваффақиятли амалга ошириш учун етарли ва барқарор ташкилий-техник тузилмага эга бўлиш.

Афзалликлар:

✱ Талаб этилаётган лойиҳанинг қамрови ва мураккаблигига мувофиқ фаолиятни амалга ошириш учун юқори салоҳиятга эга бўлган иштирокчиларга ҳамда қишлоқ ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилмасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашаётган ташкилотларга афзаллик берилади.

✱ Шу билан бирга, танлов жараёнида фуқаролик жамияти институтлари, давлат идоралари ва бизнес тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган, шу ҳисобда улар томонидан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади.

Бир лойиҳага ажратиладиган грантнинг энг катта миқдори 15 миллион. сўмни ташкил қилади.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

1. Танловнинг номи кўрсатилган эркин шаклдаги илова хати;

2. www.fundngo.uz ва www.sisf.uz сайтларида жойлаштирилган шаклдаги грант олиш бўйича лойиҳавий талабнома;

3. Талабномага илова сифатида қўшилган лойиҳани амалга оширишнинг тақвимий режаси.

4. Ташкилот рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг иккинчи нусхаси.

5. Низомнинг иккинчи нусхаси (унга киритилган ва ташкилот муҳри билан тасдиқланган барча ўзгартиш ва қўшимчалар).

6. Қўллаб-қувватловчи хат.

Талабномалар ўзбек ёки рус тилида қабул қилинади.

Кўрсатилган муддатдан кечроқ тақдим этилган ёки барча зарурий маълумотга эга бўлмаган талабномалар кўрилмай қолдирилади.

Ҳужжатлар 2013 йил 20 сентябрь соат 18:00 гача қабул қилинади.

Конвертга солинган танлов бўйича ҳужжатлар (А4 форматида) ва талабномага илова хати (шунингдек, *электрон намунаси)* **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат жамғармасига** қуйидаги манзил бўйича юборилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100035, Бунёдкор кўч., 1-уй.
Тел./факс: (998-71) 239 -26-76, 239-26-64

Ўзбекистоннинг турли минтақаларини ифодаловчи танлов иштирокчилари учун ташкилот муҳри ва раҳбарининг имзоси қўйилган сканер қилинган шаклдаги ҳужжатни қуйидаги электрон манзил бўйича юборишга рухсат этилади:

fundduz@parliament.gov.uz

Маълумот учун телефонлар: (998-71) 239-26-76, 239-29-38.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банки (ОАЖ)

Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«Мустақиллик 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан (12 ой) сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

Молия муассасаларида

МИЖОЗЛАР БАРҚАРОР ҲАМКОРГА ИШОНАДИ

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш натижасида аҳоли фаровонлигини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этиш имкониятлари кенгаймоқда. Хусусан, буни Фарғона вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, кейинги йилларда кичик бизнес вакилларининг ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ошди, кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга ахд қилган кишиларни банклар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Тадбиркорларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш ва уларни кредитлаш борасида Агробанкнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта тажриба тўплаган. Шунинг учун бўлса керак, банк хизматларига талаб кун сайин ортиб бораяпти. Бу борада айрим рақамларга мурожаат қилсак, 2013 йил 1 август ҳолатига бошқарма ва унинг филиаллари томонидан барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига 33 миллиард 779 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Мазкур банк кредитлари эвазига жойларда жами 1934 та ишчи ўринлари яратилгани маблағларнинг бесамар кетмаганлигидан далолатдир. Қувонарлиси шундаки, яратилган иш ўринларининг қарийб 80 фоизи қишлоқ ҳудудларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги қарори жойларда мазкур турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳажмини сезиларли даражада оширди. Жорий йилнинг 1 августига қадар ишлаб чиқарувчиларга 8,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан жорий йилнинг ўтган даврида ишлаб чиқарувчиларга 6 миллиард сўм кредит берилди.

— Халқимизда тойпахтага ва омухта емга бўлган талаб юқорилигини ҳамда хомашё ўзимизда мавжудлигини инобатга олиб, пахта чиқиндисидан тойпахта ва омухта ем ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик, — дейди «Spartak Ekspress Servis» МЧЖ раҳбари Фаҳриддин Қорабоев. — Зарур техника ва хомашё сотиб олишда Агробанкнинг Фарғона вилояти бошқармаси 34 миллион сўм молиявий ёрдам кўрсатди. Айни кунда ҳудудимиздаги касб-ҳунар колежларида таҳсил олган кўплаб ёшларни иш билан таъминладик.

Аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ҳар йили минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбарияти томонидан мутасадди ташкилот раҳбарлари олдига аниқ режалар қўйилган. Бундан ташқари, битирувчиларга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш борасида зарур чора тадбирларни кўриш, семинар-тренинглар ташкил этишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ушбу вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосий дастуриламал бўлаётир. Мазкур молия ташкилоти томонидан ушбу мақсадларга 2013 йил 1 августига қадар 2 миллиард 399 миллион сўм кредит ажратилган. Битирувчиларнинг бизнес режаларини молиялаштирилиши натижасида 602 нафар ёшлар доимий иш ўринлари билан таъминланди.

Агробанкнинг Фарғона вилояти бошқармаси томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ташкил этиш ҳамда ривожлантириш учун ҳам кредит маблағлари ажратиб келинмоқда. Банк кредитлари ҳисобига амалга оширилган лойиҳалар натижасида ҳудудда тармоқлар ривожланиб, ишлаб чиқариш салмоғи ортиши баробарида, аҳоли фаровонлиги юксалишига эришиляпти. Жумладан, жорий йилнинг ўтган етти ойи мобайнида қорамолчиликни ривожлантиришга 2 миллиард сўм, паррандачиликни ривожлантиришга 1 миллиард 796 миллион сўм, балиқчиликни ривожлантиришга 359 миллион сўм, асаларичиликни ривожлантиришга 446 миллион сўм банк кредитлари ажратилгани ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини ошириш борасида бошқарма томонидан муайян ишлар амалга оширилиятпи. Бу ишлар кўлами янада кенгайтирилиб, банк бундан кейин ҳам кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдек хайрли юмушга ўз ҳиссасини қўшаверади.

Абдуғани СОДИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
Миллий банки

мамлакатимиз аҳолисини ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги байрами билан табриклайди ҳамда миллий валютада янги муддатли омонат турини амалга киритилганлигини маълум қилади:

«Мустақиллик»

- *Сақлаш муддати – 2 ой;*
- *Омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;*
- *Фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади;*
- *Маблағ қабул қилиш нақд ва нақд бўлмаган пул кўринишида амалга оширилади.*

Омонатга маблағ қабул қилиш 2013 йилнинг 20 августидан 20 сентябрига қадар амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

Бунёдкорлик

ҲИССАМИЗ БОРЛИГИДАН ФАХРЛАНАМИЗ

Мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг қурилиш майдонларига кўзингиз тушади. Бир томонда энди тархи олинаётган иншоотлар, бошқа ёқда эса шинам хонадонларга кўчиб кирган замондошларимизнинг хурсандчилиги дилингизни яйратади.

Қишлоқларимиздаги коллеж ва лицейлар маҳобатини айтмайсизми? Бирам кўркам, салобатли. Очиғи бугун нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқларимиз қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб кетди, қишлоқ одамининг турмуш шароити замонавий қулайликлар билан бойиди, турмуш тарзи ҳам шаҳарликларникидан қолишмаяпти.

Айниқса, жорий йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши бу соҳада бошланган эзгу ишларга ривож бағишлади. Маълумки, қишлоқларимизни ҳар томонлама обод, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2009 йилда юртбошимиз раҳнамолигида “Қишлоққурилишлойиҳа” институти, “Қишлоққурилишбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки ва “Қишлоққурилишинвест” инжиниринг компаниялари ташкил этилган эди. Қишлоқ жойларида шаҳарлардаги сингари биноларнинг қад ростлаётгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг самараси бўлди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам қишлоқ аҳолиси учун намунавий уй-жойлар барпо этишга катта эътибор қаратилган. Намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилиши кўлами йилдан-йилга кенгаймоқда. Бу ишлар бошланган 2009 йилда вилоятда атиги 40 та намунавий уй-жой қурилган бўлса, 2010 йилда 540 та, 2011 йилда 575 та, 2012 йилда эса 670 та ана шундай қулай ҳовлилар белгиланган муддатларда қад ростлаб, фойдаланишга топширилди.

“Обод турмуш йили”да эса лойиҳа бўйича яна 730 та намунали уй-жой қуриш ишлари давом этмоқда. Қуриб битказилган ҳовлиларга хонадон эгалари кўчиб кирмоқда. Бундай катта кўламдаги қурилишларни амалга оширишдан мақсад нафақат қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, балки мамлакатимизнинг чекка ҳудудларини ҳам саноатлаштиришдир. Турар жой иншоотларини барпо этишда турли соҳаларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳам назарга олинган. Тиббиёт, таълим муассасалари билан бир қаторда маиший хизмат кўрсатишнинг барча йўналишлари бўйича фаолиятни ташкил этиш ва шу орқали янги иш ўринларини яратиш, транспорт-коммуникация тизимларини яхшилаш, умуман олганда, қишлоқ қиёфасини, қишлоқ аҳли турмуш тарзини тубдан ўзгартиришдан иборат.

Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, уй-жой ва ижтимоий соҳа объектлари қурилиши сифатини назоратга олиш Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси зиммасига юклатилган. Вилоятимизда ҳам ушбу ишга масъул идора сифатида инспекциямиз ходимлари халқимиз ишончини оқлаш мақсадида меҳнат қилмоқда. “Қурилишда муаллифлик ва техник назорат тўғрисида”ги низом асосида назорат тизими ташкил этилган. Унга мувофиқ, бизда техник назорат ходимларининг олий ёки ўрта махсус маълумотга ва камида уч йиллик соҳавий иш тажрибасига эга бўлишлари таъминланган. Уларнинг малака ошириш курсларида махсус тайёргарликдан ўтказилиши, вақти-вақти билан билимларининг синовдан ўтказиб турилиши ишимизнинг сифатли бажарилишига омил бўлаётир. Халқ корига яраш завқи ғайратимизга ғайрат қўшади. Бизнинг назоратимизда бунёд этилаётган уйлардан нафақат бугунги авлод, балки келажагимиз давомчилари ҳам баҳраманд бўлишини кўз олдимизга келтирганимизда зиммамиздаги масъулият ҳисси икки карра ошади. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин!» деган шиорнинг туб моҳияти шундай.

Истам ҲАМРОЕВ,
Бухоро вилояти давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи

ННТлар фаолиятидан

«Мадад»нинг дадил одимлари

Ота-боболаримиз азалдан оилани муқаддас билиб, унинг мустаҳкамлигига алоҳида эътибор бериб келишган. Чунки бу гўшада истиқомат қилаётган инсонларнинг энг покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ҳамда тасаввурлари айнан оила бағрида шаклланади. Боланинг феъл-атвори ҳамда дунёқарашини белгилайдиган яхшилик, эзгулик, олижаноблик, меҳр-оқибат, ор-номус, андиша каби маънавий мезонлар ҳам айнан оилада шаклланади.

Шулар ҳисобга олиниб, мамлакатимизда мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ оиланинг жамиятдаги мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди. Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга, «оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир» деган эзгу тамойилнинг ҳаётий ифодасини таъминлашга қаратилган.

Албатта, бу тамойилни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳам хизматлари беқиёс бўлаётганини эътироф этиш лозим. 2004 йилдан Бухоро вилоятида фаолият бошлаган «Мадад» оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ҳам шулар жумласидандир. Ташкилотнинг асосий вазифаси мақсадли гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга, жамиятнинг кам таъминланган қатламлари, шунингдек, аёллар ва болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг фуқаролик фаоллигини оширишга, осойишта муҳитда фаровон турмуш кечириш учун имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган.

Ўтган давр мобайнида марказ хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларни касбий ва устоз-шогирд йўналишида ўқитишни ташкил этди. Шунингдек, юридик ҳамда психологик маслаҳатлар бериш, ижтимоий етимлик муаммоларини ўрганиш, уларни ҳал этишга кўмаклашади. Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг оилавий ҳаёт, соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича тушунтиришлар олиб бориш, хотин-қизлар ва болаларга нисбатан ноқонуний ҳаракатларни бартараф этишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳам «Мадад»нинг асосий йўналишларидан. Ташкилот 2012 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан "Оилаларнинг фаровон яшашларига ҳисса қўшиш" лойиҳаси бўйича грантини қўлга киритган эди.

— Марказимизда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ижтимоий-психологик хизматни ташкил қилдик, — дейди марказ директори Зумрад Кенжаева. — Лойиҳа давомида 380 дан ортиқ ёшлар ва фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиб, уларга турли оилавий муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳат-ахборот хизматлари кўрсатилмоқда. Шунингдек, ишонч телефонимиз орқали ҳам 185 дан ортиқ мурожаатларни қабул қилиб, ўз вақтида зарур маслаҳатларни бердик.

Бугунга қадар лойиҳа қатнашчиларидан 25 нафарига тикувчилик ҳунари ўргатилди. 78 нафар ёш эса компьютер саводхонлигига жалб қилиниб, малакали ўқув курсларида ўқитилди. Бухоро шаҳридаги бир қанча коллежларда семинар-тренинглар ўтказилиб, 260 дан ортиқ коллеж битирувчиларига тадбиркорлик кўникмалари берилди. Уларнинг ўз ишларини мустақил олиб бориши учун шароит яратиш, банклардан имтиёзли кредит олишлари бўйича индивидуал ишлар олиб борилмоқда. Натижада Бухоро шаҳридаги коллеж битирувчиларининг ижтимоий фаоллиги ошди. Улар ўз устида ишлаш, янгича фикрлаш, тадбиркорлик бўйича яратилган имкониятлардан кенг фойдаланиш, бизнес юритиш, билим ва малакани ошириш орқали оилалар фаровонлигига эришиш мумкинлиги ҳақида тушунчага эга бўлишди.

Вилоятнинг «Истиқлол» телевидениесида оилавий муносабатлар ва оилавий тадбиркорлик мавзусида махсус кўрсатув ҳамда реклама ролиги тайёрланиб, бир неча марта эфирга узатилди.

— Бундан ташқари, марказимиз ўтган давр мобайнида «Кам таъминланган оилалар хотин-қизларини махсус ўқув курсларида ўқитиш», «Биз махсус эҳтиёжли болаларни қўллаб-қувватлаймиз», «Бухоро шаҳрида оила ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматини ташкил этиш» каби бир қанча лойиҳаларни амалга оширди, — дея қўшимча қилди Зумрад Кенжаева. — Мазкур лойиҳалар ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатди.

Дарҳақиқат, оила — жамият таянчи. Бу ҳақиқатни теран англаган «Мадад» оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ўз низомида белгиланган савобли амалларни бажаришда дадил қадамлар ташлайверишига тилакдошмиз.

Гўзал МАЛИКОВА,
«Hurriyat» мухбири

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

Глобал муаммо

Одам савдосига қарши халқаро конвенциялар

Жаҳон миқёсида содир бўлаётган глобаллашувнинг уч манбаи — ахборот-коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, халқаро майдонда инвестиция ривожи, муайян даражада дунёдаги мафкуравий манзарага янгича қарашларнинг вужудга келиши бугунги куннинг муаммоларини англаб етишда асосий омил вазифасини ўтайди. Глобаллашув жараёнига тўғри ва эҳтиёткорлик билан ёндашув тараққиётни тезлаштиради.

Аслида шундай бўлиши керак. Аммо ахборот-коммуникация тизимидаги турли қарашлар, тушунчалар, бир сўз билан айтганда тартибсизлик глоболлашув жараёнида, инсоният учун ўта хавфли ҳолатларни ҳам юзага келтирмоқда. Хусусан, ОИТС, гиёҳвандлик, одам савдоси каби иллатларнинг пайдо бўлиши ва ҳаётда ҳукмрон мавқега эга бўлаётгани анча хавотирлидир. Масалан, маълумотларга таянадиган бўлсак, ҳар йили дунёда тахминан 32 миллион инсон одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Жабрланганларнинг 80 фоизини ҳимоясиз аёллар ҳамда ёш болалар ташкил этади. Мазкур уюшган жиноятдан олинаётган йиллик даромад миқдори 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ.

Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, қадим замонларда ҳам одам савдоси — қулларни, гаровдаги шахсларни сотиш табиий ҳол бўлган. У замонларда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимояловчи бирорта ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди. XX асрнинг бошларига келиб аёллар ва болалар савдосига қарши курашиш мақсадида қуйидаги халқаро ҳужжатлар пайдо бўлгани маълум. 1904 йил 18 майдаги "Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида" халқаро шартнома ҳамда 1910 йил 4 майда шу номда ишлаб чиқилган халқаро конвенция 1948 йил 3 декабрда БМТ томонидан тасдиқланди. 1921 йил 30 сентябрда тайёрланган "Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида"ги халқаро конвенция эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 1947 йил 20 октябрда қабул қилинган Протоколга киритилди. Ўтган асрнинг 30-йилларига келиб, тўғрироғи, 1937 йилда Миллатлар Лигаси томонидан 1933 йилнинг 11 октябрида айрим ўзгартиришлар билан қабул қилинган "Балоғатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида" халқаро конвенция юқоридаги ҳужжатларнинг ҳаракат доирасини кенгайтирувчи лойиҳа тузилганини билдиради. Шунингдек, "Одамлар савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция" 1949 йилда қабул қилинган.

Демак, БМТ томонидан 1948 йил 10 декабрда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси" қабул қилингунга қадар одам савдоси билан шуғулланиш ва унга қарши кураш чоралари эллик йилдан буён, яъни XX аср бошларидан давом этаётганини эътироф қиламиз. Шу ўринда собиқ Шўролар салтанатининг Молия халқ комиссариати махсус давлат сиёсий бошқармаси билан ҳамкорликда XX асрнинг 30-йилларида деярли ҳар йили "СССРдан эмиграция қилиш" ниқоби остида 3-5 минг одамни сотиш йўлга қўйилганини алоҳида қайд этиш лозим. Режага кўра Шўро ҳукумати раҳбарияти Европа ва америкаликларга "ўз қариндошларингиз ва танишларингизни олиб чиқиб кетишингиз мумкин. Фақат уларнинг ҳар бири учун 500 дан 1000 тиллагача тўлов тўлайсизлар", деган шартни қўяди. Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши (1941 йил) бошлангунга қадар ўн минглаб одамлар сотилгани тўғрисидаги аччиқ ҳақиқат XX асрнинг сўнгги йилларида тарих қаъридан қалқиб чиқди.("Аргументы и факты", 1998 й. 20 июнь). Демак, одам савдоси муаммоси кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бу иллатнинг ортида маълум бир гуруҳларнинг, катта кучларнинг манфаати ётади.

Халқаро трансмиллий ҳужжат сифатида 1949 йил 21 мартда қабул қилинган "Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан амалга оширилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция" ўз мазмун-моҳиятига кўра инсонпарварлик фазилатларига қаратилган бўлиб, давлатлараро ижтимоий-иқтисодий ва маънавий хизмат кўрсатиш турлари нормал бўлиши юзасидан барча зарурий чораларни кўриш ёки рағбатлантириш бўйича фаолият кўрсатади.

Мамлакатимиз бу Конвенцияга 2003 йилнинг 12 декабрида қўшилган. Юртимизда аёллар ва болаларни ҳимоялаш, уларнинг таълим олиш, иш билан таъминланишларига жиддий эътибор қаратиш одам савдосининг олдини олишдаги муҳим омиллардан ҳисобланади. Қолаверса, мана шундай ҳуқуқий мажмуаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши инсон қадр-қимматини ҳимоя қилади, унинг ҳуқуқлари бошқалар томонидан поймол этилишига барҳам беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида одам савдоси жиноят саналиб, унга жавобгарлик назарда тутилган. Бундан ташқари, 2008 йилнинг апрель ойидан бошлаб "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга кирди. Олий Мажлис Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш, унинг учун жазолаш ҳақида"ги Қонуни маъқулланди. Шунингдек, БМТнинг "Хотин-қизлар камситилишининг барча кўринишларини олдини олиш бўйича Конвенция"си Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йилдаёқ ратификация қилинган эди. Мазкур қонунда мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, чек қўйиш, оқибатларини бартараф этиш, жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ фаолиятни тартибга солиш назарда тутилган. Унга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси ҳамда одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш реабилитация маркази ишлаб турибди.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунларга кўра хорижга чиқишда била туриб, у ёки бу ҳуқуқни қўлга киритиш ёхуд мажбуриятлардан фойдаланиш мақсадида қалбаки ҳужжатни кўрсатиш ёхуд тақдим этишнинг ҳар қандай шакли **алдов** ҳисобланиши тарғибот йўллари орқали оммага етказилган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 228-моддаси, 3-қисми ҳамда алдаш йўли билан содир этилган жиноятлар (ЖК 167, 168-моддалар) бўйича жавобгарликни назарда тутувчи жиноятлар қалбаки ҳужжатдан фойдаланишни тўлиқ қамраб олади.

Кузатишлар натижаси ўлароқ, алдаш ёки ёллаш йўли билан фоҳишабозликка бошловчи учинчи шахсларнинг одам савдосидаги корчалонликларининг эндиликда умри қисқа. Мўмай даромад топиш илинжида бу йўлга кирган ғаламислар, албатта, ҳар қандай алдов ишлатмасинлар одил судлов тузоғига илинади ва тегишли жазосини олади. Бу жиноятга қарши кураш олиб боришда мамлакатимизда ахлоқий-ҳуқуқий тамойилларга жиддий эътибор қаратилгани ўз вақтида кўрилган чора бўлди.

Карим НОРМАТОВ,
профессор

Билмаганни билган яхши

Маълумки, фаолиятимиз давомида адвокатлик хизматларига мурожаат қилиб турамиз. Аммо уларнинг иш юритиши, масъулияти ҳақида кам маълумотларга эгамиз. Эшитишимизча, ушбу соҳа ходимлари ҳам қасамёд қабул қилишар экан. Илтимос, Адвокат қасамёди қандай мазмунда бўлади ва қабул қилинади? Ушбу қасам бузилганда кўриладиган чоралар ҳақида тушунча берсангиз.

Т.Назаров,
Т.Музаффаров
Қашқадарё вилояти

"Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддасига асосан адвокат тегишли малака комиссиясининг мажлисида "Ўз касбий бурчимни ҳалол ва виждонан бажаришга, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамиша ҳимоя қилишга, адвокатлик сирини сақлашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга тантанали қасамёд қиламан" мазмунида қасамёд қилади ва фаолияти давомида унга қатъий риоя этади. Адвокат ушбу қасамни бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига кўра, адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда (малака комиссиясининг қарорига асосан); адвокатга тегишли бўлган лицензиянинг амал қилиши тугатилади.

Адвокатликка талабгор шахсларга қандай талаблар қўйилган, шу ҳақда маълумот берсангиз?

Р.Худойбердиев,
Қамаши тумани

Бўлажак адвокат олий юридик маълумотга эга, мутахассислиги бўйича камида икки йил ишлаган, соҳа тузилмаларида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой тажриба орттирган бўлиши керак. Ана шундай малакага эга бўлганлар Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясидан муваффақиятли ўтгандан сўнг ҳудудий адлия органидан белгиланган тартибда адвокатлик лицензиясини олади.

Саволларга Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бўлими катта маслаҳатчиси С.АБДУЛЛАЕВ жавоб берди.

Қўшни республикада туғилганман. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномам йўқолган. Энди гувоҳномамни қандай, қаердан олишим мумкин?

Суҳроб Мамажонов,
Бекобод тумани

Сиз шахсингизни тасдиқловчи ҳужжатингиз билан яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига ариза билан мурожаат қиласиз. У ерда анкета тўлдирасиз. ФҲДЁ бўлими уни тасдиқлаб, туғилганингиз қайд этилган ФҲДЁ бўлимига юбориб, сўров орқали гувоҳномангизни олиб бериши халқаро меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

Турмуш ўртоғим билан 10 йилдан буён бирга яшамаймиз. Лекин қонуний никоҳимиз бекор қилинмаган. У Россияда ишлайди. Яқинда у ердан никоҳимиз бекор қилингани ҳақидаги суд қарорини почта орқали юборибди. Менинг паспортимда никоҳ ҳақидаги штамп ҳали мавжуд. Никоҳни бекор қилиш ҳақидаги штампни қўйдириш учун мен нима қилишим керак?

Зулфия Хидирова,
Бекобод тумани, Зафаробод қўрғони

Россия Федерацияси томонидан никоҳ бекор қилингани ва қонуний кучга киргани ҳақида муҳр босилган суд қарорининг асл нусхаси ҳамда паспортингизни олиб, ўзингиз рўйхатда турган жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қиласиз. Белгиланган давлат божларини тўлаганингиздан сўнг ФҲДЁ бўлими сизга никоҳнинг бекор қилингани ҳақидаги гувоҳномани беради. Шунингдек, паспортингизга никоҳ бекор қилингани ҳақидаги штампни босади.

Ота-онам Қозоғистонга кўчиб кетиб, ўша жойда вафот этишган. Укам уларнинг ўлими тўғрисидаги гувоҳномаларни йўқотиб қўйибди. Ҳозир нотариус мен яшаб турган жойдаги улардан қолган уй-жойларни менинг номимга расмийлаштириш учун ота-онамнинг ўлимини тасдиқловчи ҳужжатни сўраяпти. Қозоғистонга бир танишим бориб келмоқчи. Мен ариза ёзиб, у кишидан бериб юборсам, ўлим ҳақидаги гувоҳномаларни олиб кела оладими?

Омон Абобакиров,
Қибрай тумани

Сиз у кишига ариза эмас, ишончнома ёзиб, нотариусда тасдиқлатиб беринг. У киши сизнинг нотариал тасдиқланган ишончномангиз орқали ота-онангизнинг ўлими ҳақидаги гувоҳномаларни олиб келади ёки яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилсангиз, сўровнома жўнатиб, ушбу гувоҳномаларни олиб бериши мумкин.

Мен 2012 йил август ойида никоҳимиз қайд этилган жой — Уфа шаҳар ФҲДЁ бўлимига никоҳ гувоҳномаси беришларини сўраб ёзган аризамизни почта орқали юборгандим. Лекин ҳозиргача жавоб келмаяпти. Қаерга мурожаат қилишим керак?

Феруза Раимова,
Пискент тумани

Шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат(паспорт) билан яшаш жойингиздаги ФҲДЁ бўлимига мурожаат қилсангиз, мазкур муассаса тегишли жойга сўровнома юбориб, сизга никоҳ гувоҳномангизни олиб беради.

Саволларга Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходимлари Наталья ХОМИЯ, Дурдона ИЛЬЯСОВА, Мафтуна КАРИМОВАлар жавоб беришди

Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,
Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси

УСТЮРТ ДОСТОНИ

эссе

АРОСАТ САҲРОСИ

Тарих саҳифаларини варақлайдиган бўлсак, қорақалпоқлар учун бу давр Орол денгизининг чекинишидан бошланиб, халқ тўрт девор — Қизилқум, Қорақум, Устюрт ва Оролқум саҳролари ўртасида қолди. Устюртга борсангиз, хаёлингизга нималар келмайди дейсиз, саҳронинг беполёнлигидан бошингиз айланади.

Тарихий манбаларда Устюрт текислиги ҳақида милоддан аввал 519-512 йиллари Аҳмонийлар сулоласининг Доро I ҳукмдорлиги давридаги муаррихлар маълумотлари мавжуд. Ўзининг барча сирсиноатини яшириб келган улкан саҳронинг мавҳум ҳаёти XX асрнинг ўрталарида ойдинлаша бошлади. Ҳар хил илмий экспедициялар, геофизик бурғулашлар ва ниҳоят ўтган асрнинг 60-йиллари ишга туширилган Қувонч ва Шохпахти газ конлари саҳронинг порлоқ келажагини кўрсатиб турган бўлса-да, нимагадир Устюртнинг бу хазиналари сирлилигича қолди.

... Устюртга илк қадамим 1975 йили тегди. Камина тўрт-бешта ҳикоя ёзиб кўчага сиғмай юрганимда болалар газетаси «Жеткиншек»нинг оддий ходими сифатида таҳририят топшириғи билан май ойининг охирларида сафарга чиққанман. Қўнғирот-Бейнау темир йўли ишга тушган йиллари эди, Қўнғиротдан поездга ўтириб, йўл-йўлакай бекатларни томошалаб кетдик. Қирққиз, Абадан, Жаслиқ, Қорақалпоқ бекатларида темирйўлчиларнинг бир-иккита иморатларидан бошқа беш-олтитадан чорвадорларнинг уйлари бор эди, холос. Поездимиз тошбақа юриш билан секин силжирди. Баъзан яқин-атрофда ҳаёт асари пайқалмайдиган чўлистонда тўхтаган поезддан бир-икки халта туширириб қолдиришарди ёки худди шундай ташлаб кетилган халтачалар олинарди.

— Бу, бизнинг тезкор почтамиз, — деди вагон кузатувчиси. — Устюртда махсус почта хизмати йўқ, белгиланган жойга ташланган омонатни ўткинчи йўловчи олиб, манзилига етказади.

— Оббо, — дедим ҳайратимни яшира олмай. — Биз шаҳарда кўчанинг нариги томонига хат ёзсак, беш кунда зўрға етиб боради, баъзан умуман етмай ҳам қолади.

— Шаҳаринг ўз кунига омон бўлсин, деди Жаслиқ бекатидан ҳамроҳ бўлган чол. — Қўнғиротга борганимда чижлонимни (ҳамён) йўқотиб қўйганим бор, Устюртда игна йўқолса, топилади, шаҳарда эса чижлоним топилмади. «Бозорлаб чиқаман», — деган кампиримни зўрға топиб олганман.

Вақт сероб, йўл узоқ, вагонга чиққандан буён жим ўтирган чолнинг гапирганига қувониб, уни суҳбатга чорладим.

— Ота, Устюртда илгари ҳам одамлар яшаганми?

— Албатта, яшаган. Мана мен Устюртда туғилганман, отам ҳам, бобом ҳам Устюртда туғилиб, шу ерда қазо топган. Ҳов ана, Жарин қудуқдаги мозорда олтинчи бобом Бердибек ётибди. Айтмоқчи, сен қай боласан ўзинг?

— Мен Нукусдаги болалар газетаси мухбириман.

— Устюртда қариндош-уруғинг борми?

— Йўқ.

Чол бирпас жим қолиб яна сўради.

— Устюртда нима қиласан?

— Ёзгани келаяпман.

— Нимасини ёзасан?

— Кўрганим, эшитганим, билганимни ёзавераман.

— Ёзсанг, ёзавер, барибир ўқимайман, савод йўқ. Лекин ўғлим, Устюрт — бу чексиз дунё, уни кўриб, билиб, чегарасига етиш мумкин эмас. Ҳа, майли, Қорақалпоқ бекатида мени ўғлим қарши олади, овулимиз таёқ ташлам ер, беш-ўн кун қўноқ бўлиб, насибангдан кўрарсан.

Қорақалпоқ бекатида поезд вагонларидан тушган беш-олти одамни биттагина темирйўлчи кийимидаги йигит кутиб олди. У отахон билан қуюқ саломлашиб сўрашди, бошқа йўловчилар билан «салом-хайр» қабилида иш тутди.

Шу онда орқа томондаги уфқдан чанг кўтарилиб, эски Газ-69 машинасида отахоннинг ўғли *(буни кейин билиб олдим)* Олтмиш ҳам келиб қолди. Биз Олтмишнинг машинасига ўтириб йўлга равона бўлдик. Поездда бораётган манзилимиз аниқ шекилли эди: шимолий-ғарб йўналишида юргандик. Машинада эса у ёқдан бу ёққа бурила бериб, қайсиниси ғарб, қайси шарқ экани чалкашиб кетди, охири саҳронинг такрорий манзараси жонга тегиб, деразадан қарамай қўя қолдим.

— Отахон, — дедим жимликни бузиб, — неварангиз билан таништирмадингиз-а?

— Невара? — деди отахон жилмайиб. — Бу ўғлимку, исми Олтмишбой, уйда ҳали кенжатойим, Етмишбойим ҳам бор, у энди мактабга боради. Ўғлим Урумга, қизим Қиримга кетганларида уй-рўзғорни тебратиб ўтирган шу Олтмишбой. Катта кампирдан саккизта ўғил, учта қиз фарзанд кўрдик. Жойи жаннатда бўлгур кампир эртароқ кетди. Кейин тақдир бизга Олтмишнинг онасини насиб этди, Олтмишнинг битта укаси, ўша Етмишбой ва яна иккита синглиси бор. Худога шукр, ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Ўзингда неча бола бор?

— Ҳали уйланмаганман.

— Неччига чиқдинг?

— Йигирма олти, ёзув-чизувдан қўл тегмади.

— Ёзув-чизувинг сенга хотин бўладими? Ёзгандан кўра одамдан фарзанд қолгани маъқул.

Чол яна жим қолди. Отахоннинг «таёқ ташлам ердаги» овулига бир соатларда етиб олдик. Бу ерда кўрганларим менинг овул тўғрисидаги тасаввурларимни чилпарчин қилди. Ярим ертўлага бир ярим метрчалик девор тикланиб, томи ёпилган олтита кулбадан иборат овул. Деворлари лой қорилган тошлардан тикланган, тош зинапоя орқали пастга тушиб ичкарисига кирсангиз, деразаси тепада жойлашган ҳужра шаҳардаги даҳлиз, ошхона ва меҳмонхона вазифасини бажараркан.

Ростини айтсам, анча сафар ва меҳмондорчиликни кўрсам ҳам менинг номимга атайлаб қўй сўйилгани биринчи бор шу Устюртда, Омар оғанинг уйида содир бўлган эди. Отахоннинг қўшнилари ўзининг ўғиллари ва неваралари экан, улар кечки меҳмондорчиликка жам бўлиб келишди. Чолнинг чап томонидаги тўрда камина жойлашган бўлса, ўнг томонини Олтмиш эгаллади, ёшлари анча катта неваралари Олтмишнинг нарёғига жойлашди. Ота ўғлининг ҳурмати шу бўлса керак-да.









Эртасига нонуштага шубат ичиб, Омар отанинг яйловдаги чорвасини кўргани Олтмиш билан йўлга тушдик. Устюрт бирининг устига бири тушган автомобиль йўлларидан иборат текислик экан, лекин текисликнинг баланд-паст жойлари шунақа кўпки, тезликни сал оширсангиз, қўққисдан тормоз беришга тўғри келади. Олдингиздан ўпқон чиқиб қолади.

Биз дам олишга ўтирганда тушлик пайти, қуёш деярли қоқ тепада эди. Машинамизнинг сояси ҳам қисқариб қолди. Чалқанча ётиб, тепага қарасангиз, Устюрт осмони тўнтарилган мовий қозонга ўхшар экан. Йўлга тушганимизда, вақти-вақти билан уфқда чексиз денгиз, кўллар пайдо бўларди, яқинлаб борсангиз эса оддий текислик.

— Булар алдамчи сароблар, — деди Олтмиш, — билмаган кишилар саробни қувиб, сувга етаман деб ташналикдан ҳалок бўлади.

— Қани, шу сароблар яхши кўринадиган бирон жойда тўхтаб, томоша қилайлик.

— Устюртнинг ўзи саробдан иборат-ку, фақат қуёш қоқ тепада турган пайтлари улар яхши кўринади.

Олтмиш айтган сароблари эртасига тушликда махсус кузатдим:

Уфқда соҳилини чинорлар ўрмони қоплаган мовий денгиз кўринди. Унинг майда тўлқинлари соҳилга урилиб турибди. Сал қимирлагандим, сароб алмашди. Энди кўз ўнгимда осмонўпар бинолари зич жойлашган катта шаҳар пайдо бўлди. Унинг кўчалари гавжум, ҳатто киноларда ҳам кўрмаган машиналар билан тўла эди. Кўзларимни уқалаб, яна қарасам, қайси бир ирмоқлар билан туташган кўлнинг устида чағалайлар учиб юрибди.

Материалистик таълимотга бўғзигача ботган авлод бу манзараларга ўз кўзлари билан кўрмагунча ишонмайди. Лекин мен кўрдим ва унинг сабабларини оптика қонуниятларидан ахтардим. Қуёш нурининг синиши, маълум даражадаги бурчак остидаги манзара тасвирини худди шу даражадаги бурчакнинг иккинчи учига етказиши мумкин эканлигини оддий ойна орқали синаб кўриш мумкин. Балки, ўша кўринган шаҳар Париж, Токио ёки Лондон марказларидан бири эмасмикин?

Ҳаётда уфқ инсон интилишларининг чексизлиги ўлчови бўлса, саҳрода уфқ алдамчи дунёнинг ҳар хил манзарасини кўз ўнгингизга келтириб, унинг орқасидан қанча қувласангиз ҳам етолмас экансиз.

— Бунчалар тикилиб қолдингиз, оға? — деган овоз хаёлимни бўлиб юборди. Орқамда Олтмиш турар эди.

— Кечаги сиз айтган ўрмонзор қоплаган денгизни, осмонўпар бинолар орасидан гавжум машиналар ўтиб турган шаҳарни, чағалайлар учаётган кўлларни ҳам кўрдим.

— Саробга узоқ тикилма, жин уриб кетади, — деганди отам. Мен бир-икки марта саробни қувиб кўрдим. Мана шу бир қарич қандим саробда сизга улкан чинор бўлиб кўринади. Хуллас, хаёлингизда нима бўлса, ўшани кўз олдингизга келтиради, бу сароб дегани.

САҲРО СИРЛАРИ

Мен Оролни ҳам, Устюртни ҳам жонли дунё ҳисоблайман ва севаман. Ахир Орол билан Устюрт минг-минглаб йиллар давомида ёнма-ён яшаб келаётганди-ку! Денгиз тўла пайтлари Устюртдаги иқлим шароити юмшоқ эди, яйловлар ўтлоқли эди, сурув-сурув қўйлар, жайронлар, сайғоқлар билан қулонлар ҳисоб-сонсиз, машҳур Устюрт қоплони Қизил китобда бўлса ҳам вақти-вақти билан кўриниб турарди. Денгиз чекинди, иқлим ўзгарди, қўйларнинг бош сони камайди, жайронлар билан сайғоқлар Қизил китобга кириб, қулонлар умуман йўқолиб кетди. Буларнинг барчаси кечаги сиёсат қолдирган меросдир.

«Устюртдан нефть чиқди!» — деган шов-шув 1979 йили эрта куз кунлари тарқалди. Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Иброҳим оға Юсупов мени чақириб, «Устюрт тўғрисида болаларга ёзганингни ўқигандим, энди қаламингни катталар учун Устюртда яна бир чархлаб қайтасан. Сафар харажатлари билан йўналишларни гаплашиб қўйганман», — деб қолди.

Қўнғирот шаҳри марказида жойлашган «Қорақалпоқнефтгаз» бурғулаш экспедицияси раҳбари Абдумалик Умаров ҳузурига эрталаб келдим. Котиба қиз «Кеча Қаршидан меҳмонлар келиб эди, оқсоқол чарчаган бўлса керак, лекин у киши ишга келмай қолмайди», деди. Қабулхонада нефт-газга таллуқли анча журналлар бор экан, варақлаб ўтирсам, ориқ, пастбўйли бир ёшулли кириб, саломлашиб, ўз кабинетига ўтди.

— Ана, ўзлари, — деди котиба.

Ҳаял ўтмасдан, қўнғироқ босилиб, мен чақирилдим.

Эсон-омонликдан сўнг, бирданига ишга ўтдик.

— Келишингиздан хабарим бор, ёнингизда Турғонбой Турсунов бўлади. Соат 11 да самолёт кутиб турибди. Оқчалоққа учасиз. Ўша ерда ёзувингиз битгунча бўлаверинг, қайтишда сизларни машина олиб келади.

Абдумалик аканинг камгаплиги, маълумот тўплагани келган менга осон бўлмади. «Бир-икки саволлар бор эди?» дедим қимирилиб.

— Савол-жавобга ҳали вақт бор. Турғонбой оғангиз ҳам геолог, ҳамма нарсани мендан ортиқ биладди, доимо бирга бўласиз, сўрайверасиз.

АН-2 да ҳавога кўтарилганимда, нимагадир ашула айтгим келди, лекин нотаниш инсон олдида хиргойи қилиш одобдан эмаслигини сездим. Биз Қасармада катта сумкали кассирни ташлаб, Оқчалоқ томон учдик.

Турғонбой оға билан биргаликда Назарбой оға исмли бурғулаш устасининг ишларини кузатдим. Баландлиги 40 метрларча келадиган минорада ҳар сменада 8 кишидан уч смена ишларкан. Бурғулаш пайтида, яъни трубалар ер тагига кириши билан ҳаракат тўхтамаслиги шарт экан. Чунки труба учларини мойлаб турадиган лой қотиб қолса, ускуна ишдан чиқиб, авария ҳолати юзага келаркан.

— Неча метрга келдингиз? — сўради Турғонбой оға Назарбойдан.

— 3651 метрдамиз.

— Нимага суръатлар пасайиб кетди?

— Анови помбуримиз уйланаман деб, рухсат бергандик, вахтага бир ой деганда озиб-тўзиб эўрга келди. Энди ҳаракатини қиламиз.

Турғонбой билан ер тагидан чиққан кернларни (бурғулаш маълум чуқурликка етганда олинадиган ер қатлами намуналари) кўздан кечирдик. У кўз билан кўргани камдай ҳидлаб ҳам кўрди.

— Нима, нефть бормикин?

— Бу Тошкентда лабораторияда текширилиб, натижалари Москвага жўнатилади. У ерда махсус текширувлардан сўнг, асосий хулосага келинади.

— Устюртдан чиқиб оқаётган нефть қани? — деб сўрадим, нефтни қўл билан ушлаб кўриш истагида.

— Шошманг, эртага икки-уч чақирим йўл босиб, бориб келамиз, — деди Турғонбой оға.

Эрталаб нонуштадан кейин, иккаламиз пиёдалаб йўлга чиқдик. Тепамизда қанотларини питирлатиб, турган жойидан жилмасдан сайраган саҳро тўрғайи жўрлигида, манзилга ярим соатларда етиб олдик. Нефть топилган Оқчалоқ-3 деган жойдан чиқиб турган битта труба ва унга уланган чамаси эллик метрларга етадиган ер устига ётқизилган яна бир труба.

— Ер остида икки метрлар чамасида вентиль бор, бу ердан нефть август ойининг бошларида отилиб чиқди, — деди Турғонбой оға. — Лекин, биз ҳозир бу нефть булоғини ёпиб ташладик. Сабаби, биринчидан, унинг атрофидан яна қудуқлар қазиб умумий заҳирани аниқлашимиз керак, Иккинчидан, Тюмендаги конлардан нефть 500-600 метрдан чиқаяпти. Уларга арзон нефть керак, биздаги нефть сифатли бўлишига қарамасдан, анча қимматга тушади.

— Захираларни аниқлашнинг йўллари йўқми?

— Бор. Бурғулаш қудуқларини кўпайтириш зарур, бу кўп маблағ талаб этади. Тепадан бизга йилига фақат тўртта қудуқ қазишга маблағ ажратилади. Агар ишни шу суръатларда давом этсак, захиралар камида ўн беш йилда аниқланиб қолар.

Орадан ўн йиллар ўтгач, мустақиллигимиз арафасида Оқчалоқ-3 кони қайтадан очиб кўрилганда нефтнинг «қочиб кетгани» маълум бўлди. «Очилган булоқ кўзини бекитмаслик керак эди» дея афсусланади баъзи геологлар. «Бекитмаса бўлмасди, чунки у пайтлари Москвга қиммат нефтнинг кераги йўқ эди», дейишади яна бирлари. Нима бўлса ҳам, Устюртда нефть борлигини исботлашга ахд қилган академик О.Акрамхўжаев ва унинг издошлари Э.Ибрагимов, Ж.Самановларнинг меҳнатлари эвазига саҳрода булоқ кўзлари очилди.

Оқчалоқ уч кундан кейин мени зериктириб юборди.

— Қайтайлик, — дедим Турғонбой оғага.

— Нега шошасиз, ҳали борадиган жойлар бор.

— Улар ҳам шу Оқчалоққа ўхшаганми?

— Худди ўзи, лекин одамлари бошқа-бошқа. Сиз ахир «қалб муҳандиси» сифатида, аввало, одамларнинг ички дунёси билан ишлашингиз керак-ку.

«Унинг қармоғини қаранг?» деб хаёлимдан ўтказдим, лекин «ўжарликка Ўроз зўр» қабилида Турғонбой оғани қайтишга кўндирдим. Барибир, саҳро низоми сабр-тоқатга қурилган шекилли, Қўнғиротга борадиган машина индинга йўлга чиқар экан.

Нукусга келиб, Устюрт нефт-гази тўғрисида ёзганларимни Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали Табиий фанлар илмий тадқиқот институтидаги таниқли олим, геология-минералогия фанлари номзоди Жанабой Самановга маслаҳат учун топширдим. У жуда ҳам ҳазилкаш, лекин тўғрисини шарт юзга айтадиган одам бўлиб чиқди.

— Хуллас, бу ёзганларинг анча-мунча тузук, ҳақиқат бор, лекин сендан бир умр Бердақ чиқмайди, — дея гапни чўртта кесди Жанабой оға. — Қани, бу ерда халқнинг манфаати, Устюртдан ёки бошқа жойлардан чиқадиган қазилма бойликлар халқники-ку. Сен «Устюрт гази бутун Европани қиздирмоқда» деб ёзибсан. Бу тўғри, лекин биласанми, бу дунёда газдан фақат нодон одамларгина ўтин сифатида фойдаланади. Ақлли одамлар бизнинг газимиздан ҳар хил синтетик материаллар олиб, уни «газ рўмол», «нейлон», «капрон», пластмасса ва ҳоказоларга айлантириб ўзимизга минг баравар қимматига сотади. Шуларга эътибор беришинг керак эди. Майли, мен маъқул деб бераверамаи, лекин Устюрт тўғрисида ҳақиқатни ёзганингга саҳро рози бўлсин, бўлмаса саҳрони тинч қўй.

Шундан буён Устюртни самолёт, поезд ва автомашиналарда қанча кезган бўлсам ҳам Жанабой оғанинг «Саҳрони тинч қўй» деган ўтинчи эсимдан сира чиқмайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин том маънода Устюрт уйғонди, десам муболаға бўлмайди. Бу чексиз саҳрони менинг назаримда қуйидаги уч омил уйғотди. Биринчидан, темир йўл авваллари Қўнғирот-Бейнау йўналишидагина ҳаракатланарди. Эндилдикда бу магистралдан Тошкент, Самарқанд, Москва, Санкт-Петербург, Саратов, Волгоград, Ашхобод, Душанбе шаҳарларини туташтирадиган йўловчи поездлар ўтмоқда.

Иккинчидан, Буюк Ипак йўли нафақат тикланиб қолмасдан, балки Устюртга янгича ҳаёт бағишлаган, халқаро аҳамиятга эга Ғузор-Қўнғирот-Бейнау замонавий автомагистрал йўл қурилиши бошланди. Ҳозирда унинг Устюрт участкасида шағал тўшаш ишлари ниҳоясига етиб, асфальтлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Энг муҳими, мустақиллигимиз шарофати билан Устюрт саҳроси коммуникацияси, нефт-газ қазиб чиқариш саноати ривожланган, инфраструктурали ҳудудга айланмоқда. Борса-келмас тузи билан Қоратов мармар тошлари хомашёси асосида кальцийли сода чиқарадиган Қўнғирот сода заводининг тўла қувват билан ишга туширилиши мамлакатимизнинг ички эҳтиёжларини қондирибгина қолмасдан, унинг катта қисмини экспорт қилиш имконини бермоқда. Завод қурилиши билан Устюртда ҳали айрим хариталарга тушиб улгурмаган ажойиб шаҳарча қад кўтарди. Унга Элобод номи берилди.

Элободдан қирқ чақирим нарида Президентимиз ташаббуси билан Корея Республикаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Сургул» газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланди. Мана, кўзни очиб-юмгунча «Қирққиз» бекатида қурувчиларнинг янги шаҳарчаси пайдо бўлмоқда.

Ҳалигача барча хариталардан номи ўчмаган газчиларнинг Комсомольск на Устюрте шаҳарчаси бўшаб қолган эди. Яқинда шаҳарчага одамларнинг қайтиб келаётгани тўғрисида хабар тарқалди. Демак, эл-улус яна Устюртга қайтмоқда. Улар минг йиллар мобайнида Устюртни макон тутган ота-боболарининг қадимий анъаналарини мустақиллик туфайли қайта тикламоқчи бўлган эркин юртнинг бахти кулган фарзандларидир.

Улар Ажиниёз бобомиз «Қурвақа булбулим, жангалдан гулим» деганларидек, ўз юртининг ҳар бир қарич ерини, ҳатто чангалзорини ўзга юртнинг боғу бўстонидан афзал кўриб, эъзозлайдиган янги авлод! Истиқболи кулган Устюрт, ботиний сирларингни очадиган эркинлик замони келди!..

***

Дарвоқе, сароб ҳақида Эндиги кўраётганларим сароб эмас, айни ҳақиқат. Мен Устюртнинг жамолига боқиб тўймаяпман. Келажаги эса кўз ўнгимда жилваланмоқда...

Устюрт-Нукус-Тошкент.

1 2 3 4

Ёшлар форуми

«КАТТА ҲАЁТДАГИ СЕНИНГ СУЯНЧИНГ»

Биз фаолияти ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган ташкилотнинг ҳовлисидаги бир қарашда ўта баландпарвоздай туюлган бу шиор ёшлар учун чиндан-да қадрли. Узоққа бормай, бу ташкилот вақтида ўзимга ҳам тиргак бўла олган. Ахир университетдаги шартнома тўловининг 35 фоизи тўрт йил давомида чакана маблағ эмасди. Бу мисолни мазкур ташкилотнинг биргина ёш замондошимизнинг ҳаётида қанчалик ўрин тутгани учун гапираяпман, холос.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида вужудга келган, ўзини-ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилот саналади. Ҳаракат 2001 йил 25 апрель санасида бўлиб ўтган Таъсис қурултойи қарори билан ташкил топган. Қурултойда Ҳаракатнинг Дастур ва Низоми кабул қилинган. Дастурга кўра, ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади — Ўзбекистон ёшларини бирлаштириш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб биладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган юртимиз фуқаролари аъзо бўлиши мумкин. Рақамлар шуни кўрсатадики, 2002 йил 1 апрель ҳолатига кўра жами аъзолар сони 4 миллион 369 минг 66 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сафи 5,9 миллионга етди.

Ҳаракатнинг негизи — бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар мамлакатдаги барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, Қуролли кучлар, ҳуқуқ-тартибот органлари тизимларида иш юритаётган ёшларнинг ташаббуслари билан ташкил этилади.

2012 йилда «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги ўртасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарор имзоланган эди. Унга мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотларнинг янги Низоми ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Бошланғич ташкилот, унинг етакчи ва сардорлари фаолиятининг аниқ механизми яратилди.

Жорий йилнинг июнь-июль ойларида Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотларининг маҳаллий ва ҳудудий ўқув-семинарлари ўтказилди ҳамда илк бор республика Форуми ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 4 мартда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури» бунга асос бўлди.

Маҳаллий ўқув-семинарларда ва «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида 8,5 мингга яқин бошланғич ташкилот етакчиси иштирок этди. Уларнинг 761 нафари танловнинг ҳудудий босқичларида қатнашди. Босқич якунига кўра, ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан ғолиб аниқланиб, жами 140 нафар энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси якуний босқичда ҳамда Ҳаракатнинг бошланғич ташкилот етакчилари республика Форумида иштирок этишга йўлланма олди.

Мазкур Форум жорий йилнинг 12-17 август кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида бўлиб ўтди.

Анжуманнинг дастлабки кунида иштирокчилар ҳуқуқий саводхонлик, маънавият ва маърифат, иқтидорли ёшлар, меҳр-саховат, спорт, саломатлик ва экология, матбуот йўналишларига бўлиниб, семинар-тренинглар, мастер-класслар ўтказишди. Жумладан, «Замонавий етакчи қиёфаси ва имиджини яратиш», «бошқарув қобилиятини ривожлантириш», «нотиқлик санъатини ўрганиш», «ёшлар психологиясини ўрганиш», «лойиҳа яратиш», «деструктив маданиятлар ва улардан ёшларни асраш» каби мавзуларда маҳорат дарслари ташкил этилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кошидаги Ўқув услубий маркази нодавлат таълим муассасаси раҳбари, Форум мураббийи Дилфуза Шодиева тадбир ҳақида шундай фикрларни билдирди:

— Ўн беш йилдан буён ёшлар ташкилотида ишлаб келяпман. Айнан мактаблардаги бошланғич ташкилотлар учун бундай Форум шу пайтгача ташкил этилмаган эди. Ушбу Форумга мураббий сифатида жалб этилганимдан хурсандман. Бу ерда республикамизнинг барча ҳудудларидан келган ёш етакчилар ўзаро тажриба алмашишяпти. Ўтказилаётган семинарларда муаммони ғояга, ғояни лойиҳага айлантириш жараёни ниҳоятда қизғин кечмоқда. Бугун мактаблардаги сардорларнинг матбуот йўналишидаги иш фаолияти, уларнинг ишини матбуотга олиб чиқиш масалалари ўрганилди.

Ёшлик — шижоат. Ёшлик — орзулар. Ёшлик — келажакка дадил қадам қўйиш палласи. Иштирокчилар чинданда ўз олдиларига катта-катта мақсадларни қўйганига гувоҳ бўляпмиз. Гўё зилол булоқларнинг кўзи очилгандай. Фикрлар, таклифлар барча-барчаси ёшларимиз қалбидан чашмадай отилиб чиқмоқда. Гуруҳлар фаолияти билан танишаркан-миз, журналист бўлганимиз учунми, матбуот йўналиши иштирокчилари эътиборимизни тортди. Форум қатнашчиси, фарғоналик, аниқроғи, Қувасой шаҳар 6-мактаб бошланғич ташкилот етакчиси Нигора Тошматовадан йўналиш бўйича бажарган ишларини билиб олдик:

— Мана, бир неча кундан бери гуруҳдошларимиз билан «Камолот Инфо» газетасининг кунлик нашрини тайёрлаб келяпмиз. Кун давомида гуруҳлар томонидан қандай ишлар амалга оширилган бўлса, уларнинг ҳаммасини ушбу мўъжаз газетамизда қисқача маълумотлар асосида ёритиб бордик: маданий тадбирлар, заковат ўйинлари, ўғил болалар ўртасида бўлиб ўтган футбол, қизлар ўртасида ўтказилган волейбол, ҳамма-ҳаммаси ҳақида нашримизда ўқишингиз мумкин.

Дарҳақиқат «Камолот Инфо» газетасининг кунлик сонлари деворий газета тарзида иштирокчиларга ҳавола этилганди.

Форум натижалари ҳақида янада кўпроқ билиш учун «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Республика «Камалак» болалар ташкилоти раиси Сарвар Ашуровни суҳбатга чорладик:

— «Бирлашиб биз — катта кучмиз» деган шиорни кўп ишлатамиз. Айнан шундай форумларда бу шиорнинг моҳиятини янада теранроқ англаймиз. Эзгулик йўлида бирлашишдан ҳам буюкроқ бахт йўқ бўлса керак, назаримда. Ахир бу фуқаролик жамияти талаби. Ушбу форумга республикамизнинг энг илғор, ташаббускор етакчилари тўпланди. Улар бу ерда беш кун давомида малакали мураббийлар, экспертлар ёрдамида етакчи учун зарур бўлган жиҳатларни ўзлаштирди. Илк бор ташкил этилаётган ушбу форум мактабларидаги бошланғич ташкилотларнинг иш фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади. Бу умумтаълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари тарихида амалга оширилган илк қадамдир.

Куннинг иккинчи ярмида етарли билим ва кўникмага эга бўлган гуруҳлар бажарган ишлари бўйича тақдимотлар — лойиҳалар, намунавий иш режалар, соҳада амалга ошириладиган ишлар йиғилганларга ҳавола этилди, шу билан бир қаторда «Миллий халқ ўйинлари», «Иқтидорли ёшлар клуби», «Иқтидорли ёшлар базаси», «Камолот руҳий енгиллик хонаси», «Мактаб ҳаёти газетаси», «Билимлар аукциони», «Ватаним парчаси маҳаллам эрур», «Касбим — келажагим» сингари мавзулардаги иш режа таклифлари ўртага ташланди. Шунингдек, Марказий Кенгаш раҳбарияти ва ХТВ масъул ходимлари иштирокида «Бошланғич ташкилот: муаммо ва ечимлар» мавзуида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Йиғилиш сўнгида Ҳаракатнинг мақсад ва вазифаларини кўзда тутиб, унинг лойиҳаларини уюшқоқлик билан бажараётган, кўплаб ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган ҳамда уларни ҳар томонлама камол топишда шижоати, ташаббускорлиги, фаоллиги билан ўрнак, намуна бўлаётган бошланғич ташкилот етакчилар ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичи ғолиблари аниқланди. Ғолиб деб топилган ўн нафар иштирокчига дипломлар ҳамда бошланғич ташкилот моддий техника базасини яхшилаш мақсадида ЛСД телевизорлари ҳамда компьютер жамланмалари совға қилинди.

Форумнинг ёпилиш маросими маданий дастурга уланиб кетди. Қўшиқлар тинглаб, мазмунли ҳордиқ чиқараётган Форум иштирокчилари билан хайрлашиб, пойтахтга қайтарканмиз хаёлимдан шундай ўйлар ўтди: «Камолот»нинг бундай Форум ўтказишни бошлагани ижобий ҳол, албатта. Негаки, бу каби Форумларда ёшларни қизиқтираётган масалалар муҳокама қилинади, ўрганилади, уларга ечим топишга уринилади. Иштирокчилар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар етакчилар фаолиятида оз бўлса-да бўй кўрсатса, Форумдан кўзланган асосий мақсадга эришилади. Ушанда «Камолот» ёшларнинг чин маънодаги суянчига айланади.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири
(фото)

Reklama

«Fitch Ratings»
Халқаро рейтинг агентлиги
"МИКРОКРЕДИТБАНК"
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ
MIKROKREDITBANK
барча рейтинг кўрсаткичларини
"БАРҚАРОР"
деб баҳолади
"Микрокредитбанк" сармоялари —
тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!
Хизматлар лицензияланган

ЭЙ ФАРЗАНД...

Агар сенга бир киши омонат топширса, мумкин қадар уни қабул қилмагил, шунинг учунки, омонатни қабул қилиш жуда қийин ишдир. Агар қабул қилсанг, яхши сақлагил, токи эгасига саломат топширгайсан.

Ҳикоят. *Мен шундай эшитганманки, бир киши тонг қоронғусида уйидан чиқиб кетди ва ҳаммомга бормоқчи бўлди. Ўз дўстларидан бирига: "Мен билан ҳамроҳ бўлиб ҳаммомга борғил!" – деди. У деди: "Сен билан бирга бораман-у, аммо ҳаммомга тушмайман, чунки менинг бир зарур ишим бор". У киши ҳамроҳи билан ҳаммом томонга қараб кетди. Икки йўл ажралган жойга бориб, ҳаммомга борувчининг шериги дўстига билдирмасдан бошқа йўлга кирди. Ҳамроҳи ёлғиз ўзи ҳаммомга кетаверди ва дўстим билан келаётирман деб ўйлаб бораверди. Иттифоқо, бир ўғри унинг изидан кетаверди, у киши буни дўстим деб фаҳмлади ва унинг қўйнида юз тилласи бор эди. Ҳаммомнинг эшигида тиллани қўйнидан чиқариб кеча қоронғисида танимай ҳалиги ўғрига берди ва деди: "Эй биродар, мен ҳаммомга кириб чиққунча бу тилла сенда турсин, ҳаммомдан чиққанимдан кейин менга топширасан". Ўғри тиллани олиб, ўша жойда ўтирди. У киши ҳаммомдан чиқиб, кийимларини кийиб кетаверди. Ўғри унинг орқасидан чақириб деди: "Эй жувонмард, кел, мендан олтинларингни ол. Бугун мен сенинг омонатингни сақлаб ўз ишимдан қолдим". У киши деди: "Сен кимсан, бу олтин қандай олтин?"*

Ўғри деди:

— Мен бир ўғриман, бу олтин сенинг менга топширган олтинингдир.

У киши деди:

— Агар сен ўғри бўлсанг, нима учун бу олтинларни олиб кетмадинг?

Ўғри деди:

— Агар минг тилла бўлса ҳам, сендан андиша қилмай олиб кетардим, лекин сен бу олтинни менга омонат топширдинг. Омонатга хиёнат жувонмардликдан эмас.

Омонатга хиёнат қилмагилки, омонатни кимёйи зар деганлар. Агар ростгўй бўлсанг, ҳамма вақт бадавлат яшайсан, яъни дунёдаги ҳамма бойлик ростгўй одамга тегишлидир. Бировдан алданмасликка ҳаракат қил ва бировни алдашдан ҳазар қил.

"Қобуснома"дан

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил: info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: Тел:233-36-02.

Вилоят мухбирларининг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Нукус — (+99891)-384-41-61,
Самарқанд — (8-366)-233-62-12,
Термиз — (+99894)-262-25-33

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528
9 772010 752002 >
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«O'zbekiston» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Навбатчи: Жобир Хўжақулов

Топшириш вақти — 20 00
Топширилди — 20 00

Адади: 4438 Буюртма — J-7860 1 2 3 4 5